

HUQUQ

09


(376)

YURIDIK GAZETA

Mart				
D.	7	14	21	28
S.	1	8	15	22
Ch.	2	9	16	23
P.	3	10	17	24
J.	4	11	18	25
Sh.	5	12	19	26
Y.	6	13	20	27
2005				

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



BOYCHETAKNING TUSSLARI

*Хув, қирлардан чопиб келар,
пирилайди этаги,
Бермоқ учун водийларга
набавҳорнинг дараси.
Тунд будулар орқасидан
йўлга тушадир хуррам,
Шу митти жон изларида
эрп сўнги қорлар ҳам.
Пойи етгач, анҳорларнинг
музи чил-чил синади,
Бир чайқалган лойқа сувар
аста-аста тишади.
Хинча белга тасма этиб
камалакнинг дастасин,
Ховуч-ховуч сочиб борар
эрка фасл нафасин.
Куртакларни уйғотида
новдаларга бош уриб,
Жадаллайди этагига
лолаларни тўлдириб.
Этагига — ёноқлари
ним пушти ранг гунчалар,
Этагига — бодом гули
мағзи тўқ тугунчалар...
Бирам хушнуд чопар эди
этакка гул тўлдириб,
Эҳ, кўйлагги тўкилди-кў,
чоки бир-бир сўкилиб.
Ғам чўкди-ю юзларига
қалақиб очди кўзини,
Унга кулиб турган олам
ичра кўрди ўзини, —
«БАҲОР», — дедилар уни.*

Мухтарама УЛУФОВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими

NUQTAI NAZAR

МУҲОКАМАГА МУҲТОЖ МАСАЛА

Мустақиллик йиллари ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий масала-ларда жуда катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий кадриятлар қайтадан кўриб чиқилди ва бугунги кунда инсон, унинг эркинлиги, қадр-қиммати энг олий қадрият сифатида конституцияда мустаҳкамланди. Жазо-ларнинг либераллаштирилиши қонунчилик тарихида муҳим воқеа бўлди. Айниқса, жазо тизимида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар кўпайиб, бу ўз навбатида шахсни озодликдан маҳрум этиш жазоларининг камайишига олиб келди. ЖҚдан мол-мулк мусодараси бутун-лай чиқариб юборилиши қонунчилигимиздаги катта ютуқ десак бўлади. Яна бир янгилик — ярашув институтининг қонуллаштирилишидир. Бунда ижтимо-ий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган шахс, агар айбига иқдор бўлиб жабрланувчи билан яраша ва етказилган зарарни бартараф этса жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Совет давридаги қонунларда 33 та модданинг санкциясида ўлим жазоси кўрсатилган эди. Қонунларимизнинг либераллаштирилиши натижасида бу-гунги кунда ўлим жазоси жавобгарликини оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятини содир этганларга нисбатан-гина қўлланиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда жазоларнинг бундай либерал-лаштирилишини хорижий давлатларнинг ҳуқуқшунослари кўтаринки руҳда қабул қилишди. Албатта бу билан суд-ҳуқуқ ислохоти ниҳоясига етди деб бўлмайди. Ислохотлар давом этмоқда.

Қонунларимизда эскидан сақланиб келаётган айрим нормалар борки, тергов ва суд жараёнида анча-мунча тушунмовчиликларга олиб келмоқда. Жумладан, тергов ва суд жараёнида мансабдор ва масъул мансабдор шахс содир этган қилмишни таснифлашда жуда кўп чалқашликларга дуч келинади. Кимни мансабдор, кимни масъул мансабдор деб топишда адашмишлар кўп бўлмоқда, чунки бу масалада қонунларимизда аниқ бир фикрга келинган эмас. Тўғри, суд бу масалани муҳокама этишда ўша шахснинг эғаллаб турган лавозими, қандай ваколатларга эгаллиги, ўша идора мавқеи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олади. Масалан, терговчи ёки судьяни, қандайдир идора раҳбарининг ўринбосари ҳамда шулар қаторида турадиган кишиларни масъул мансабдор деб топиш тўғри бўладими? Терговчи процессуал қонунда кўрсатилган ваколатига эга, унинг ҳар бир процессуал ҳаракати прокурор назоратида ва охири-охирида қилган ишдаги ҳулосани прокурор тасдиқла-ши шарт. Терговчи процессуал қонунда кўрсатилган ваколатдан ташқари бирор-бир кишини ишга қабул қилиш, ишдан бўшатish ёки молиявий ишлар бўйича бирор-бир фармойиш бериш ҳуқуқига эга эмас, судья ҳам шундай (суд раиси бундан мустасно). Менимча, бундай лавозимдаги ва шуларга баробар мансабдорларни масъул мансабдор дейиш қонунга тўғри келмай-ди.

Яна шуни айтмоқчиманки, умуман советлар давридан қолган шу «масъул мансабдор шахс» деган атамани сақлаб юриш керакмикин ўзи? Барча раҳбарлар қонунни бузганида бир хил жавобгар бўлса мақсадга мувофиқ эмасми? Юқоридаги мансабда бўлган кишининг жавобгарлиги масаласини ҳал қилаётганда у шундай юқори мансабда бўла туриб (вазир, кўмита раиси, бошқарма бошлиғи ва х.) ушбу жиноятни содир этган деган мазмунни келтиришнинг ўзи кифоя қилмайdimи? Демокчиманки, «масъул мансабдор шахс» деган атама қонундан чиқариб ташланса, аниқ мудоао бўлар эди.

Қонунларимиз мазмунидан келиб чиқадиган бўлса, киши ҳаққий содир этган қилмиши учун жавобгар бўлиши керак. Шунинг учун ҳам қонунимизда мансабини суиистеъмол қилиш йўли билан жиноят содир этиш, ваколатдан чиқиб жиноий ҳаракат қилиш каби моддалар мавжуд. Шуларнинг ўзи мансабдорларни жавобгар қилиш учун етарли эмасми?

Қонунларимизда бўладиган ҳар бир ўзгариш аниқ, тушунарли ва инсон-парварлик руҳида бўлиши керак. Шу сабабли ҳам бу масалаларни муҳока-мага муҳтож деб ҳисоблайман.

Убайдулла МИНГБОВЕ,

Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси раисининг ўринбосари

FAOLIYATGA NAZAR

ЕР ЭЛНИ БОҚАДИ

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ КАТТА МАСЛАХАТЧИСИ
ТҮЙЧИБОЙ ХАЙТАЛИЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратил-ган қонулар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-си Президент Фармони ва Республика Бош прокурорининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонулар ижроси устидан прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш тўғрисида»-си буйруғи прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятида туб бурилиш ясади. Суҳбатимиз шу мавзуда экан, аввало мазкур муҳим ҳужжатлар мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирсангиз.

— Ҳаммага аёнки, ота-боболаримиз азалдан дехқончилик билан шугулланиб келишган. Юртимизда қишлоқ хўжалиги ҳамisha устувор соҳа ҳисобланган. Ҳозир ҳам ана шундай.

Кейинги йилларда галлачиликка алоҳида эътибор қаратилаётир. Шу туфайли мамлакатимиз дон мустақиллигига эришди. Пахтанинг юрти-миз иқтисодиётини мустаҳкамлашдаги аҳамияти беқиёсдир. Шундай экан, қишлоқ хўжалигини ривожлантирмай, ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигига эришиб бўлмайди. Худди шунинг учун ҳам соҳада жиддий ислохотлар ўтказилмоқда. «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Дех-қон хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи(ширкат хўжа-лиги) тўғрисида»-ги қонулар қабул қилинди. Президент ва ҳукумат томонидан бир қанча фармон ҳамда қарорлар чиқарилди. Афсуски, кўрилган чора-тадбирлар ҳамма жойда ҳам бир хил самара берди, деб бўлмайди.

Мутасадди раҳбарлар орасида лоқайдлик, масъулиятсизлик, ўзибў-ларчилик илллати ҳамон мавжуд. Айниқса, жойларда қонунбузилишлар кенг тарқалгани ташвишланарлидир.

Бунинг сабаблари кўп, албатта. Аммо, асосий сабаблардан бири соҳага тааллуқли қонун ва меъерий ҳужжатлар ижроси устидан лозим даражада назорат ўрнатилмаганлигидир.

Илгари буйруқбозлик ва дўқ-пўлиса билан иш юритилган. Эндиликда бундай йўл тўтиб бўлмайди. Ислохотлар жараёни устидан фақат қонун асосида қатъий назорат ўрнатиб, олиб борилаётган ишларга тегишли баҳо бериши мумкин.

(Давоми 3-бетда).

Моҳият

*Эвазига нарса кутиб
қилинган яхшилик яхши-
лик ҳисобланмайди.*

*Халққа хайру эҳсон
қилиши нақадар улуг фа-
зилат! Бирок бу хайру
эҳсон бегараз бўлса яна
ҳам аҳади.*

*Муруват майдони-
нинг шахсувори бўлай
десанг, гараз билан иш
қилиб, эвазига бировдан
фойда олишни ўйлама!*

Абдибек Шерозий

Республика Бош прокуратураси матбуот маркази хабар қилади

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ прокуратураси томонидан Богдод тумани ҳокими Ш.Солижонов устидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилди. Ш.Солижонов мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, бир қанча жиноятларни содир этганлиги аниқланиб, жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборилди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг ҳукмига кўра, Ш.Солижонов тегишли жазага тортил-ди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Давлат Со-лик бошқармаси катта инспектори М.Юсупов «Беру-ний Пилла» МЧЖда солиқ қонунчилигига риоя қилини-

ши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказиб, ўзи жиноят содир этган. У 5 фозлик фойда ставкаси бўйича 200 минг сўм даромад солиғи ҳисоблаб, қасддан 762 минг сўм фойда солиғини бюджетга қўшимча ҳисоблама-ган. Шунингдек, текширув давомида корхона томони-дан 2003 йил ҳисоботида даромад тўғри кўрсатилган деб, хом ипак сотишдан тушган даромаддан олинмиш керак бўлган қўшимча солиқ ва молиявий жарималар-ни ҳисобламасдан, давлат манъафатларига жами 1.568.800 сўмлик зарар етказган.

Беруний туман прокуратураси томонидан ўтказил-ган тергов натижасига кўра, унга нисбатан кўзгати-ган жиноят иши айблов ҳулосаси билан судга юборил-ди.

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«Адир бойбечаги» МЧЖда ўтказилган текширишда жамият раҳбари А.Никитина Жиззах вилояти Зарбдор тумани ҳокимияти «Тадбиркорлар палатаси» ахборот маркази ходими Э.Хайитбоев ва «Муродилла» исмли шахслар билан тил бириктириб, 2004 йил 10 октябрдан 2005 йил 11 январига қадар 675.740.900 сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, давлатга тўланиши лозим бўлган 16.985.300 сўмлик тўловларни тўламаганлиги аниқланган. Бундан ташқари А.Никитина 213.465.000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб, савдодан тушган пуллари банкка топширмаган.

«KORRIDO-BEST» ХК раҳбари Уфат Раупов ва «BUILDING-STAR» ХК раҳбари Қаҳрамон Турдиевлар ўзаро тил бириктириб, чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи қалбаки рухсат гувоҳномасидан фойдаланиб, «Озиқ-овқат савдо» МЧЖдан олинган 10.000.000 сўмлик канцелярия молларини сотиб, тушган пуллари банкка топширмаган.

Пешку туман ҳокимлигининг иктисод бўлими бош мутахассиси Рустам Тошев ва иктисод бўлими бошлиғи Фарҳод Сафаровлар устаз жамғармаси шакллантирилмаган ва омондоранаси бўлмаган «KORRIDO-BEST» ХКга улгурчи савдо гувоҳномасини расмийлаштириб берган.

Қарши нефть базаси унитар корхонаси мансабдорлари «Мухаммад Али» ХФ раҳбари Р.Тўракулов билан тил бириктириб, фирманинг чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш рухсатномаси бўлмасда, унга қарашли АЁҚШ ва НКМНИ рўйхатдан ўтганини суриштириб, нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида шартнома тузишган. Сўнг шартномадагидан ортиқча 69.945.700 сўмлик бензинни кўшимча шартнома тузмай, сотиб юборишган. Шунингдек, Шахрисабз нефть базаси унитар корхонаси Ғузур туман филиали мансабдорлари ҳам Р.Тўракулов билан тил бириктириб, нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳақида шартнома тузиш, 318,2 тонна бензинни сотиб юборишган. Қарши нефть базаси унитар корхонаси ва Шахрисабз нефть базаси унитар корхонаси Ғузур туман филиали мансабдорлари «Мухаммад Али» ХФга 239.575.100 сўмлик 729,4 тонна бензинни ноқонуний сотган ва савдодан тушган 53.105.000 сўмни банкка топширмай, давлатга тўланиши лозим бўлган 27.532.800 сўмлик тўловларни тўламаган. Текширишда Нишон нефть базаси унитар корхонаси мансабдорлари Р.Тўракулов раҳбарлик қилган «Машхур» ХФга сотилган нефть маҳсулотларидан фирманинг 779.000 сўмлик қарзини сохта ҳужжатлар билан ёпиб юбориб, Қашқадарь нефть маҳсулотлари шўба корхонасига зарар етказган.

«Халқ банки»нинг Зангиота туман бўлими собиқ раҳбари Р.Исроилов «Албертини-Сервис» МЧЖнинг бандажи операциялари тўхтатилган бўлишига қарамай, жамият ҳисоб рақамидан «Яккасаройтуман» корхонасига 36.000.000 сўм ўтказганлиги аниқланган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши кўзга тутилган.

PROKURATURA NAZORATI

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. Шу боис тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланётган фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб қамоққа олиш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланган. Бу борада асосий эътибор судларга даъво аризаси киритиш, низоларни судда кўришда прокурор иштирокини таъминлаш, ҳўжалик судларининг ноқонуний қарори ва бошқа ҳўжжатларига протест келтириш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мувоҳажатини қонуний ҳал этишга қаратилади. Асосий мақсад эса ишлохотларнинг самардорлигини ошириш ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат.

Тадбиркорликка кўмаклашиш - давр талаби

Ўтган 2004 йилда Республика прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб ҳўжалик судларига киритилган 1 млд. 199 млн. сўмлик 112та даъво аризаларининг деярли барчаси тўлқин қозондирилган, ундирилганлиги лозим бўлган пул маблағларидан йил якунига кўра 985 млн. сўмини ҳақиқатда ундиришга эришилган.

Ўз навбатида кишлоқ ҳўжалиги корхоналари фойдасига ҳўжалик судларига киритилган жами 20,4 млд. сўмлик 8433та даъволарнинг 450 таси бевосита деҳқон-фермер ҳўжаликларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Маълумки, қонунбузилиш ҳолатлари бўйича прокурорлик таъсир чораларининг ўз вақтида қўлланиши муваффақиятгаровидир. Ўтган йили ҳўжалик судлари томонидан қабул қилинган ноқонуний қарорларга нисбатан келтирилган протестларнинг апелляция тартибида 89,8 фоизи, касасия тартибида 75,1 фоизи қаноатлантирилди. Олий ҳўжалик суди раёсатига назорат тартибида келтирилган протестларнинг сифати оширилди. Лекин, ютуқлар билан бирга фаолиятимизда камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, биринчи инстанция судларининг асосий қарорларини апел-

ляция мuddатида ўрганиб, қонунга мувофиқлаштириш чораси кўрилмаганлиги оқибатида айрим ҳудудларда апелляция протестларининг самардорлиги тушиб кетган. Масалан, Қорақалпоғистон ҳўжалик судининг 2004 йил 4 майдаги ҳал қилув қарори билан «Оқолтин» ширкат ҳўжалигининг «Дониёр» фермер ҳўжалигидан 5.500.000 сўм ундириш ҳақидаги аризаси қисман қаноатлантирилган. Бироқ, даъвода жисмоний шахслар И.Нажимов ва О.Нажимовлар ширкат ҳўжалиги билан тузилган пудрат шартномаси бўйича еттиштирган пахта «Дониёр» фермер ҳўжалиги томонидан топширилганлиги сабабли ширкатга зарар етказилганлиги баён этилган бўлиб, биринчи инстанция суди даъвога қаноатлантиришда низоининг ҳўжалик судига тааллуқли эмаслигини эътиборга олмаган. Оқибатда жавобгарнинг шикоятига асосан апелляция инстанцияси суди қарори билан кўнун ҳал қилув қарори бекор қилинган.

Худди шунингдек, хусусий тадбиркор Б.Раҳимов «Муроб» МЧЖдан 4.050.000 сўм миқдордаги қарз ва пеняни ундириб бериш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳўжалик судига даъво аризаси киритган. Аммо ҳўжалик суди даъвогарнинг хусусий тадбиркор мақомини инобатга олмай ишни юри-

тувдан тугатган. Орадан икки ой ўтгач тадбиркорнинг қайтадан қўзғатган даъвосини суд яна кўрмай қолдирган.

Ноқонуний суд ҳужжатига нисбатан шаҳар прокуратураси ўз вақтида муносабат билдирмаганлиги оқибатида тадбиркорнинг ҳуқуқлари поймол этилишига йўл қўйилган. Асосий ажрим эса касасия инстанцияси судининг 2004 йил 5 мартдаги қарори билан бекор қилиниб, даъвога қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Умумий мақсадимиз бир экан, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, ҳар биримиз бу борада зимма-зимма оқлатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришимиз лозим. Шундагина халқимиз интилаётган демократик ҳўқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг пойдевори мустаҳкам бўлади.

Аваз ҚОДИРОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи

SHU SONGA XABAR

ФАОЛИЯТИ АХШИЛАШГА ҚАРАТИЛДИ

Ўтган ҳафта Андижон вилоят прокуратураси ташаббуси билан Ўзбекистон президентининг 2005 йил 29 январ кўниги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида ҳамда 2005 йил 7 феврал кўни Вазирлар Мақамасининг янги таркиби билан ўтказилган йиғилишдаги маърузаларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк бўлими, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази» ва бошқа идоралар раҳбарлари иштирокида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирга кичик ва ўрта бизнес субъектлари раҳбарлари, тадбиркорлар тақлиф қилиниб, уларнинг фаолиятини яхшилаш, муаммоларни қонун доирасида ҳал қилиш ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз мухбиримиз

Моҳият

Дунёда яхшилик ва ёмонликдан кўра узоқроқ яшайдиган нарса йўқ.

«Оталар сўзи»

Қисқа сатрларга

Термизда Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ҳамда Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Республикасининг мудофаа қобилиятини янада кучайтиришда прокуратура органларининг тутган ўрни ва вазифалари» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази ҳамда Адлия вазирлиги қошидаги республика суд экспертиза маркази ҳамкорлигида «Қасддан одам ўлдириш жиноятлари тергов жараёнида тайинланадиган суд экспертизаларининг хусусиятлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги, ИИВ ички қўшинлари, Қорув қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва МХХ чегара қўшинлари назорат тафтиш идоралари раҳбарлари иштирокида «Қуролли қучлар тизимида мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ тафтиш ҳужжатларини расмийлаштириш тўғрисида»ги мувофиқлаштирувчи кенгаш ўтказилди.

Тошкент вилоят прокуратурасида «Тадбиркорликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органларининг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Президент Исрол Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бу борада прокуратура органлари ходимларининг масъулиятини оширишга қаратилган тадбирлар ҳақида фикр юритилди.

Сирдарё вилоят прокуратурасида хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар ва фуқароларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари юзасидан тергов ва суд амалиётини ўрганишга бағишланган идораларро йиғилиш бўлиб ўтди.

QAROR VA IJRO

Ютуқлар Ўзимизники, АММО...

Вазирлар Мақамасининг 2004 йил якунларига бағишланган йиғилишида кишлоқ ҳўжалигида олиб бориладиган мақсадлар ўз натижасини берганлигига алоҳида ургу берилди. Эришилган ютуқларда прокуратура идораларининг ҳам ҳиссаси бор. Айниқса, қонунбузилишларни бартараф этиш, шартнома ва бошқа мажбуриятларга амал қилинишини назорат қилиш борасидаги тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

Таассуфки, орамизда ҳамон ишлохотлар мақсадини тўшунмайдиган, ўзгалар манфаати билан ҳисоблашмайдиганлар мавжуд.

Масалан, Ховос туманидаги қарийб 232 та фермер ҳўжалиғи 2004 йилда ажратилган бунқ пулларини ишлаб юбориб, 636.393.000 сўм зарар билан чиққан. Шартнома шартларига ривоят эмган ушбу фермер ҳўжаликларидан зарарини ундириш учун ҳўжалик судларига 320 дан ортиқ ариза киритилди.

Тумандаги «Бобур» ширкат ҳўжалиғи марказий таъмирлаш устaxonаси мудири М.Норов 2402,6 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-тарож қилиб, номаълум шахсларга сотиб юборган. Терговда етказилган зарар ундирилди. 2004 йилда техникаларнинг сақланиши, талон-тарожларга барҳам бериш юзасидан қилинган ишлар натижасида 16.654.000 сўмлик зарар ундирилди.

Ёнигининг сақланиши ва ишлатилиши юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 14.700.000 сўмлик зарар қолланди. Жумладан, Қ.Нуралиев «Ховос-обод» ширкат ҳўжалиғи оғир мудири Қ.Нуралиев жавобгарлигидаги 9.806.000 сўмлик қамоматда йўл қўйган. Ушбу иш юзасидан жиноят иши кўзга тутилди.

Бу каби салбий ҳолатлар минерал ўғитлардан фойдаланишда ҳам узраб турибди. Масалан, А.Қодирқўловнинг шахсий оғирда фуқаро О.Мўминова тегишли 20 тонна аммиакли селитра сақланган. Ушбу маҳсулот ноқонуний равишда бошқа шахсларга сотилаётган вақтда ушланди.

Ютуқлар ўзимизники. Лекин юқоридагига ўхшаш қонунбузилишларни қамайтириш йўли билан янги марраларга эришишимиз мумкин.

С. НАЗАРОВ,
Ховос тумани прокурори

QILMISH-QIDIRMISH

«ОЙДИН»ДА РЕЖА

қонун посбонларининг хушёрлиги сабаб амалга ошмади

Олмалик шаҳридаги «Ойдин» бозори одатдагидай гавжум. Ҳар ким ўз юмуши, ўз ташвиши билан овора. Бир четда танишини кутаётган Абдуқаҳор Тўйчибоев одамларни кузатиб туриб, уйланиб қолди. Бозор манзараси ўтмишини эста солди. Қизик, бир пайлар, ҳали жиноят қўчасига кирмаган кезлари у ҳам мана шу одамлар каби бирим икки, рўзгорим бут бўлсин деб меҳнатнинг остида юраверган экан-да. Осонроқ, кўпроқ, пул топиш ҳақида уйлаб ҳам кўрмаган.

«Ҳозир Шариф келгач, Тошкентга бир бориб келаман-у, юз доллар ишлаймам. Кетса 2-3 соат вақтим кетди. Қўлимни совуқ сувга урмайман. Манави бозорчиларчи, эртдан кечгача ўтириб, бу пулнинг ярмини ишлабди ёки йўқ, Одам пул топишни эмас, осон пул топишни билиши керак...»

Шуларни уйлаб турган А.Тўйчибоев узоқдан у томон келаётган Шарифни кўриб илжайди. Режага бинаош, у Шариф берган «товар»ни Тошкентга, Шарифнинг танишига етказиб бериши керак эди. Хизмат ҳақи келишилгандай 100 доллар.

Бироқ «Ойдин»да тузилган режа иш бермади. Пойтахт ҳуқуқ муҳофаза-чиларида шубҳа уйғотган А.Тўйчибоевнинг ёнидан 293,11 гр. «героин» топилди.

Аслида фарғоналик А.Тўйчибоев «тузалмайдиганлар» хилидан экан. У пакет ичида «оқ ажал» — героин борлигини, бу иши оғир жиноят эканлигини яхши билар, бироқ меҳнатсиз даромад уни ҳалимша ўзига ром этиб келгани боис манзил колониясида жазо ўтаётгани, шаҳар ҳудудидан чиқиси мумкин эмаслигини «унутди».

Икки бор суднинг тегишли хулоса чиқармаган А.Тўйчибоевни бу гал нафси кўпта туширди. Суд ҳукми билан у узоқ мuddатга озодликдан маҳрум қилинди.

Шавкат АКРАМОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

IFTIXOR

ОРИЯТЛИ ЭЛНИНГ ЭРТАСИ

— Кампир, ўзимиз етиштирган бугдойнинг ундан нон пишир. Неваарларинга бошқа бирор егулик тайёрларсан. Янги сузилган қаймоқни меҳмонга асра. Нонуштада Узок Бозоровични иссиқ нону қаймоқ билан сийла. Узи тугилиб ўсган жойнинг меҳри ва тафти бор мана шу бебаҳо неъматда. — Кечки пайт тўйдан қайтаётиб кампирга гурурланиб тайинлади бешкентлик хожи Иброҳим Оччилов.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси Конституцион судининг судяси Узок Бозоров эди.

Кўнгил обод бўлди, юрт обод бўлди. Хар кимки ўзининг юртга эгалиги, меҳнати самараси, бахтиёрлигини хис қилгандагина ҳамият равнақи учун масъул, керакли эканлигини идрок этади. Гурури, орияти баланд элнинг юрти тинч, осуда, турмуши фаровон. Фарзандлари ориятли, танти, меҳнаткаш бўлади. Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида сўзлаган маърузасида «фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин» деб таъкидлаганидек, меҳнатнинг равнақи ҳар биримизнинг масъулиятимизга, яшаш тарзимизга боғлиқ. Юқоридаги таъкид замирида кашқадарёлик миришқор, танти инсон Ўзбекистон Қаҳрамони Муродилла Саидовга ҳам нисбат берилган десак муболага бўлмайди. У раҳбарлик қилаётган «Жейнов» ҳўжалигининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида демократик ислохотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Хозирги кунда «Жейнов» ёрлиги билан қадоқланган сунт маҳсулотлари Қарши шаҳридаги озик-овқат дўконлари пештахталарига кўрк бағишлаган. Бундан ташқари ҳўжаликда қайта ишланган қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг қўшни мамлакатларга экспорт қилиниши ҳам аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига замин яратмоқда. Эндilikда «Жейнов» тажрибаси ўзига хос мактабдир.

Кашқадарёда юрт равнақи учун зиммасидаги масъулият ва бурчи чуқур англаган фидойи инсонлар кўп. Уларнинг меҳнати туфайли 2004 йилда вилоят иқтисодиётининг барча тармоқларида юқори натижаларга эришилди. Биргина қишлоқ ҳўжалигининг ўзидан 60 миллиард сўм соф фойда олинди. Вилоятимизда фермерликни ривожлантиришга кенг эътибор қаратилаётти. Утган йили 119 та ширкат ҳўжалиги негизда ташкил топган 14 мингга яқин фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатди.

Хумор Бекмуродова ана



Бугдойга ўрим тушган кезлар. Субхидамда теварак-атрофдаги хонадонлардан ҳеч қандай аралашмаларсиз, «концентратларсиз», дастлабки хосилнинг соф бошогидан, эндигина тегирмондан чқарилган ундан тайёрланиб, гўзалоя оловида пиширилган иссиқ ноннинг иси таралади.

— Барвақт бошланган ишнинг баракаси бўлади деб калавердим, айбга буюрмайсиз энди, — кўча дарвозаси томонидан нотаниш овоз эшитилди. — Оқ-оқ, биров нон пишираётти, ҳиди оламни тўтибди. Меҳмон ичкарига кирди. Салом-алик, хол-аҳвол сўрашилгач, дастурхон тузалди, илтифот кўрсатилди. Тириклик гамида келган етиш ёшлар чамасидаги отахон узок-яқиндан гурунг берди. Нима мақсадда келганлигини вазиимлик билан изохлади. Кетишга чоғланиб деди: «Одамзодни кўкка кўтарадиган ҳам, ерга урадиган ҳам мана шу эл. Бизни боқадиган, едириб-кийдирадиган, шону шавкат ато этиб, яшнатадиган маскан шу тупроқ, шу Ватан. Узимизнинг юртдан, элдан, бугдой нонимиздан айирмасин...»

шундай фермерлардан бири. У Қарши туманидаги Қожор қишлоғининг олди аёлларидан. Олтмишдан ошиб етмишга қараб кетаётган бўлса-да, қадамидан ўт қақнайди, юрган йўлида гул унади. У кирган хонадон, давраларда файз, тароват ўзгача. Мана, неча йилдири, қишлоқ ва туман микёсидаги тўй-тантаналарда Хумор момо ҳиммат кўрсатиб, катта новвос сўйдиради. Элга ош таркатади. Эсини танибдики, беповён далаларнинг тоза ҳавосидан нафас олиб, баракали меҳнатидан баҳра туйиб яшайди. Темирдек чайир, қаттиқ кўллари ўн беш нафар ўғил қизни оқ ювиб, оқ таради, уларга ҳаёт, яшаш, интилиш, изланиш илмини ўргатди. Келин олди, қиз узатди. Ҳалол меҳнати туфайли қудадорлик қилди, дўст-ёр орттирди. Ўн беш фарзанд, ўн беш дунё, ўн беш қанот. Ҳашаматли иморатлар, дабдабали тўй-томшаларнинг ҳаммаси фермер момонинг астойдил меҳнати эвазига бунёдга келган. Ўз ҳаётидан мамун аёлнинг гурури ҳам, нияти ҳам баланд. Фаҳр ва ифтихор хис қилган инсоннинг ҳиммати ва ҳаракати ҳам самарали бўлиши шубҳасиз. Танишларимдан бири кўнглидан кечган ҳисларини яширмади:

— «Дом»чилик эмасми, қўшниларга бир-бирининг сифат ва иллати беш панжадек аён. Рўпарамиздаги хонадон соҳиби яйдок ердан жой олиб, деҳқончиликнинг бошини тугди. Қишлоқда ўсган йигит. Меҳнатдан бўйин товламайди. Кишининг қор, қировли кунларида якка-ярим уйда кўрчиб қолади. Ўшанда ҳам уч хонали «квартираси» ошана-огаиниси, улфатлари билан гажувм бўлиб кетади. Беканинг лабида табассум, нозик қомати бир оз тўлишган, нигоҳларида онда-сонда аллақандай «кибр» ҳам учкунлайди. Ўғил-қизларининг эғнида бежирим либосларнинг энг сараси, энг қиммати. Уч йилга қолмай янги машина олди, иморатнинг ташвишига тушди. Эр-хотин иккаласи тинмайди. Аввалига роса ҳавасим келди. Кейинчалик ичимда аллақандай галати нарса фашлик уйғотарди. Негадир кўшни аёлнинг гоҳ-гоҳ

хандон отиб кулиши, баъзан чимирилиб қарши кўз ўнгимдан кетмай қолди. Бир куни кечки овқатдан сўнг ҳўжайинимга «дийди» бошладим:

— Тавба, кўрмаганинг кўргани курсин, деганлари шу бўлса керак. Кун сайин рўпарандаги кўшни хотиннинг кўзи ерни кўрмай қоляпти. Одамзодни не кўйларга соладиган пул курсин.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди. Нотаниш овоз, ўша мен гийбатини қилаётган ҳамсояни қаердалигини сўради. Ташқарига чиққач ўғлимга:

— Билмайман, деб айт-да, эшикни ёп, — деб фармон бердим келганларга эшиттириб. Шунда ўн ёшли ўғломни ўзини қандай тугди денг. Бегоналарни кузатгач, охиаст эшикни ёлди. Секин ёнимга келиб, бироз кутиб турди. Гапимни тугатгач, ширин жилмайиб деди:

— Аяжон, майлими гапирсам, мен сизни аяжоним демайман, энди. Ичингиз қора экан, нега Садоннинг аясини (Садон, ўша мен гийбатини қилаётган кўшининг ўғли Сардор) дадамга ёмонлаясиз. Сиз чақма-чакарсиз, — ўғлимнинг бегубор нигоҳидан ўт қақнади гўё. Бир зум анграйиб қолдим. Лаҳза ўтмай юрагимни тирнаётган ёвуз хислар қаёққадир гойиб бўлди. Кўз олдим ёруғлашиб, оппоқ, бегубор кенгликларда сездим ўзимни. Димогимдан ёқимли, хуш ифोर туйдим. Гўё хонани муаттар буй қоплагандек бўлди. Наинки хонани, балки бутун вужудимни чулганган хуш ҳаводан туймайман, беҳтиёр кўксим қалқди, энтиқиб-энтиқиб покиза вужудни, навихоқ идрокни бағримга босдим. Боложоним, ўзимнинг боложоним, орли, ҳамиятли, гурури баланд ўғломни, бутуним, эртан, номусим, орим, фаҳрим, ифтихорим, гард кўнмасин тоза қалбимга, гурур ҳамроҳ бўлсин юрган йўлингда...

Нуроний отахон дуога қўл очди: болаларинг тўрт кўрғон бўлсин, кўрғонки деворлари мустаҳкам, нақшинқор, бог-роғлари файзли, маҳсулдор, фарзандлари шод, мағрур, шон-шавкатли, сервиқор.

Зотан, ориятли элнинг эртаси обод, фаровондир.

Гулчехра ЖўРАЕВА, журналист

ЕР ЭЛНИ БОҚАДИ

СҮРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИ, АДЛИЯ КАТТА МАСЛАҲАТЧИСИ ТҮЙЧИБОЙ ҲАЙТАЛИЕВ БИЛАН СҲБАТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида жиндий хатти-ҳаракатларни бартараф этиш борасида зарур чоралар кўрилди.

Бир гуруҳ мансабдорлар томонидан Шўрчи тумани Ж.Ҳўжамийёров номли ширкат ҳўжалигининг 2004 йил ҳисоботида 10 гектар сугориладиган экин майдони фойдаланиб бўлмайдиган ер тоифасига киритиб юборилган. Сўнг қонунга зид тарзда фуқароларга томорқа сифатида бўлиб берилган. Ушбу ҳолат юзасидан айбдорларга жиноят иши кўзғатилган.

Айрим ҳўжалик мансабдорлари томонидан минерал ўғит ва нефт маҳсулотларини талон-тарож қилинишига йўл қўйганлиги аниқланган. Хусусан, вилоят «Қишлоқҳўжалиқим» акциядорлик жамиятининг Ангор филиали омбор мудири Ч.Жумаев 2500 кг. азот, Баңдихон тумани «Мустақилликнинг ўн йиллиги» фермер ҳўжалиқлари уюшмаси ёқилги маҳсулотлари омбор мудири К.Раҳмонов эса 2700 кг. бензинни талон-тарож қилгани маълум бўлди.

Олтинсой тумани «Пахтакор» ширкат ҳўжалиги бўлим механиги Ж.Усанов ва тракторчи Э.Менгноров эса «Алтай» тракторидан 1.240.000 сўмлик эҳтиёт қисмларни ечиб олиб, сотиб юборишган.

Тўғри, аввал ҳам прокуратура органлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида текширишлар ўтказиларди. Бироқ энди давр биздан бо иш билан доимий шугулланишни, тегишли назорат ўрнатилгани талаб этмоқда. Юқорида қайта этилган фармон ва буйруқ ана шу зарурат туфайли дунёга келган.

— Утган йили воҳода қишлоқ ҳўжалигида катта туюқларга эришилди. Давлатга 345 минг тонна пахта ва 212 минг тонна галла топширилиб, буюртма ортиги билан удаланди. Бунда прокуратура органларининг ҳам ўзига яраша хизмати бўлса керак.

— Вилоятда давлатга пахта ва галла етказиб бериш бўйича мажбуриятлар бажарилган бўлса-да, баъзи ширкат ҳамда фермер ҳўжалиқлари томонидан режалар удаланмади. Айрим фермерлар умуман маҳсулот топширмаган. Шу сабабли 6825 тонна кам галла тайёрланди. Текширишларда 1214 тонна галла натуро шаклида топширилишига эришилди. Шу мақсадда берилган 23.605.000 сўм аванс маблағи ундирилиб, ҳўжалик судига 24.199.000 сўмлик зарарни ундириш тўғрисида киритилган аризалар тўлиқ қаноатлантирилди.

Утган йили 28 ширкат ва 553 фермер ҳўжалиги давлатга пахта сотиш бўйича шартнома мажбуриятини бажармаган. Оқибатда 22.358 тонна пахта етказиб берилмади. Мазкур ҳолатлар бўйича вилоят прокуратураси томонидан судга 471.600.000 сўмлик зарарни ундириш, режани бажармаган 38 та фермер ҳўжалигининг ерини ҳокимликлар ихтиёрига қайтариш тўғрисида ариза киритилди.

Мисол учун, Қизилқум туманидаги «Қойғочли» фермер ҳўжалиги шартномага кўра 106,7 тонна пахта етказиб бериш ўрнига 87,7 тонна топширган, холос. Маълум бўлишича, фермер ҳўжалиги ердан оқилона фойдаланмаганилиги оқибатида режани сурункали равишда бажармай келган. Шу боғлиқ 87 гектар ер туман ҳокимлигига қайтарилди.

— Прокуратура органларининг бу борасида фаолияти самарадорлигини ошириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?

— Фаолиятти қишлоқ ҳўжалиги билан боғлиқ ташкилотлар кўп. Биз улар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борсақина қутилган натижага эришимиз мумкин. Шунини инобатга олиб 2004 йилда вилоят прокуратураси ташаббуси билан соҳадаги долзарб масалалар идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида кўриб борилди. Уларда ҳўжалиқлари минерал ўғит билан таъминлаш, техникалар аҳоли ҳамда етиштирилган ҳосилни қайта ишлашда қонунга риоя қилиниши каби масалалар муҳокама этилди.

Вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда 2005 йилда соҳага оид қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга қаратилган прокурор назоратини олиб бериш, биргаликда мониторинг ва текширишлар ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

Жумладан, яқинда вилоят прокуратураси, ИИБ ва бошқа идоралар томонидан ерларни ўз вақтида ва сифатли озиклантирилиши, талон-тарожнинг олдини олиш бўйича текшириш ўтказилди. Вилоят «Қишлоқ-ҳўжалиқим» акциядорлик жамиятига қарашли туман филиаллари фаолияти пухта ўрганилди.

Бундан ташқари, вилоят прокуратурасининг бўлими ва тармоқ ходимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Уларга туманларда қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилаётган ишларнинг тўлиқ мониторингини ўтказиш вазифаси юклатилди.

Мазкур гуруҳ томонидан Ангор туманида ўтказилган текширишда маълум бўлдики, туманда шудгорлаш ишлари охирига етказилмаган. Хатто айрим ерлар гўзалоядан тозаланмаган. Галла экиш ишлари кеч ва сифатсиз ўтказилгани етмаганидек, парвариллаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Агротехник тадбирлар ҳам талабга жавоб бермайди. Маҳаллий ўғит тўплаш ишлари мутлақо қонжарсиз. Баҳорги мавсумга қатнашадиган техникалар тўлиқ таъмирланмаган. Ерларнинг шўрини ювишига ҳали ҳам киришилган. Қолоқ ва паст рентабелли ҳўжалиқларни фермер ҳўжалиқларига айлантириш иши ҳам сууст.

Аниқланган қонбузулишлар бўйича вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди. Вилоятдаги биолобараториялар фаолияти бутунги кун талабига жавоб бермайди. Бунир устига уларда ўзлаштириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Шўрчи тумани Далварзин ширкат ҳўжалигидаги биолобаратория мудири Х.Эрматов 560.000 сўмлик ускуна, 925.000 сўмлик «касет» ҳамда 120.000 сўмлик ёғочни ўзлаштирган. Унга нисбатан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

— Содири этилаётган қонбузарликларнинг сабаби нима деб ўйлайсиз?

— Аввало, соҳада ишлаётган ҳар бир қишлоқ эғалик ҳиссини қучайтириш лозим. Хоҳ ширкат ҳўжалиги, хоҳ фермер ҳўжалигига тегишли бўлсин ер, техника, ёниги ва минерал ўғитни ҳар бир ходим ўз мулки деб қарамоғи даркор. Уларнинг манфаатдорлигини ошириш мумкин. Бунда қолоқ ҳўжалиқларни фермер ҳўжалиқларига айлантирилаётгани ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

Курбон ЖўРАНАЗАРОВ, «Ниқуқ» муҳбири

ТАРБИЯДА ТАНАФФУС БЎЛМАЙДИ



Безорилик

Безори хамиятдаги умумэтироф этилган яшаш қонун-қоидаларини менсимай жанжал чиқариб, бировларнинг қадр-қимматини ерга уради, моддий ва маънавий зарар етказади. Безори баъзан хис-туйғуларини жил-влай олмай оғир жиноятларни содир этади. Киши шахсиятида безориликка мойилликни туғдирадиган ижтимоий ва психологик сабабларни аниқлаш орқали қилмишнинг олдини олишнинг таъсирчан воситаларини белгилаш мумкин. Кишининг фельдатори шаклланишида у яшаётган муҳитнинг таъсири бекиёс. Усмирнинг ҳужига бадий асар ва кино қаҳрамонлари, оиласи, маҳалла-қўйдаги бирон шахс қўёғасида ўзи учун яратган идеалга ўхшаш ингилишининг таъсири ҳам назардан соқит қилмаслик керак. Бундай тими-сол ижобий ёки салбий ҳусусияти бўртиб турган шахс бўлиши мумкин.

Усмирларда, айниқса, ўғил болаларда мушлүмзўрларга тақлид этиш майли қучли. Ножўя қилиш учун танбех олмаган, эл-юрт назаридан қолётганини хис этмаган, ақсинча, оиладаги рақиб, яқин кишилари ёки айрим тенгдошлари томонидан рағбатлантирилган ўсмирда умумэтироф этилган ахлоқ нормаларини менсимаслик туйғуси куртак отади. Воёга етиш жараёнида ўзалигини намойиш этиш эҳтиёжи ибратли ҳулқ-атвор, кимгадир келтирган нафидан қониқиш хисси орқали эмас, бошқалардан ажрალი туриш истағида содир этадиган, ахлоқ қоидаларига зид ҳаракатларда юзага қалжиб чиқади. Булар ҳуқуқбузарлик ва жиноятнинг мўқаддасидир.

Одатда ўқимшли кишилар ҳуш-фёль, кўнгли кен бўлади. Шунингдек, ҳадислардан боабар, тақводор, мўмин кишилар ҳам бўлиб, улар

бировнинг дилини огритишни гуноҳ деб биладилар. Айни пайтда маънавий қадриятлардан йирқ, ўғаларнинг фикри билан ҳисоблашшини оижозлик аломати деб биладиган, ўз гагини маъқуллаш учун кишининг шахсиятига тегиб, ёқсидан олишдан тоймайдиган одамлар ҳам бор.

Ўттиз уч ёшга кирган фарғоналик Р. кундузи соат ўн бирларда қўшниси Т.нинг уйига кириб, «нега боламга кун бермайсанлар» деб жанжал бошлаган. Еш болалар ўртасидаги арзимас келишмовечиликни яшилликча муҳо-кама қилиш мумкин эди. Бироқ Р. қўшни аёлини беҳаё сўзлар билан ҳақорат қилган. Жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди ушбу ишни кўриб чиқиб, ҳуқуқбузарга МЖТКнинг 33-моддасига асосан жарима солди. Айрим ҳолларда безориликка ўзаро олди-бердилар сабаб бўлади. Хусусан, 2004 йил 27 май куни кен соат бешда қувасойлик С.ни таниши Н. йўқлаб борди.

— Олган қарзингизни беринг, пулдан қийнаиб қолдим, — деди у.
— Ҳозир пулим йўқ, кейинроқ берсам...

— Билмайман, қаердан бўлсам тоғиб берасиз!

Қарзини қайтариш пайсалга солинган туйғайли икки аёл ўртасида жанжал келиб чиқди. Улар бир-бирларини ҳақорат қилишди. С. қўлига эрк бериб, рақибининг кўрагини тирнаб қонатди. Зорикиб турганида химмат қилиб, қарз берган дугонасини ҳақорат қилибгина қолмай, соғлиғига ҳам шикаст етказди. МЖТКнинг 52-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган С.га суд энг кам ойлик иш ҳақи миқдориде жарима солди.

Суд амалиётида жабрланувчи сифатида мурожаат қилган шахсининг

ўзи ҳам айбдорлиги аниқланиб, жазо тайинланган ҳолатлар учрайди. Масалан, марғилонлик Л. ва фарғоналик М. 2004 йил май ойининг бошларда Марғилондаги кўп қаватли уй олдида гап талашиб жанжаллашган. Бир-бирини сўйиб, ҳақоратлаб қўшниларнинг тинчлини бузишган. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди иккала ҳуқуқбузарга ҳам жарима жазосини тайинлади.

Шаробхўрлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар нафақат бегона, балки ўз ота-онаси, яқинларининг шаънини ерга уришдан ҳам қайтмайди. Марғилонлик О.Ш. илгари тўрт марта судданган. Сўнгги бор унга 3 йил ахлоқ тузатиш жазоси тайинланган, бироқ жазони ўташдан бўйин товлаб юрган. Ароққа, нашага пул талаб қилиб, оила аъзолари билан муттасил жанжаллашган. 2004 йил 20 май куни маст ҳолда акиси А.Ш.нинг хонадонига бориб, пул сўраган. Акиси бермагач, жанжал кўтариб, қўни-қўншилар ичиде акиси ва опасини сўйиб, ҳақорат қилган. Суд МЖТКнинг 183-моддасига асосан О.Ш.га ўн сутка маъмурий қамоқ жазосини тайинлади.

Ҳар қандай баҳони ахлоқ-одоб доирасидан чиқмасдан, ўзининг ва шеригининг ҳурмати-ни сақлаган ҳолда ҳал этиш мумкин. Бу тарафларнинг муомала маданияти ва тарбиясига боғлиқ.

Марғилонлик О.М. ёлғиз онаси билан яшаган. Россияга ишлагани борганида ҳамшаҳари Б.М. билан ораларидан қора мушқ ўтиб қолган. 2004 йил 8 январ куни тушга яқин О. шаҳар марказидаги «Турон» дўкони ёнида рақибини учратди. Эски низо-ни кўзгаб жанжаллашди. Мушлаларига чоғланиб, эғнидаги курткани ечиб ташлайди. Бирон киши ҳам уни

ҳовуридан туширишга ботинмайди. Шаҳар ИИБнинг тезкор ходими, фуқаро кийимидеги М.Х. томошабинларнинг унсиз рағбатидан ҳаволанган безорини ҳудуд нозирлиғига бошлайди. О. унинг юзига калла қўйиб, иккаласи ерга йиқилади. Шундан сўнггина бир неча киши орага тушиб, безорини шаҳар ИИБга келтиришади. Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди ЖКнинг 277-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган О.М.ни бир йил синво муддати билан шартли жазага ҳукм қилди. О.М. ўртоғининг узрини қабул қилганида судланмаган бўлур эди. Келчиримли бўлиш иймони бутун кишиларга хос фазилатдир.
Фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва маж-

Болалар боғчасида ҳуқуқий тарбия

Ёшлар ўртасида ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда мактабгача таълим ва тарбия муассасаларининг ўрни муҳимдир. Чунки болалар эсини таниши билан уларда нима қилиш, қилмаслик ҳусусидаги тушунчалар шаклланади.

Жумладан, боғчадаги машғулотлар вақтида болалар ўз ҳуқуқлари нимадан иборат эканлигини англай бошлайди. Масалан, улар қўйидаги ҳуқуқларини ўрганиши лозим:

- болалар боғчасига қатнашиш;
- болалар боғчасида турли машғулот ва тадбирларда иштирок этиш;
- болалар боғчасида ўз вақтида овқатланиш.

Шу ва шунга ўхшаш ҳуқуқий фанолиятни ўрганиш болаларни ўзи яшаётган давлатда мавжуд ҳуқуқий тушунчалардан воқиф бўлиб боришига асос бўлади. Шундай экан, ҳар бир тарбиячи ҳуқуқий таълим-тарбия мазмуни, унинг жамиятдаги ўрнини билиши шарт.

Ҳуқуқий оннинг асосий ғояси қонунга мувофиқлик, одиллик, меҳнатга ҳурмат, тенглик, эркилик ва мажбуриятларни ўринли тушунтиришдир.

Боғча болаларига ҳуқуқини ўргатишда қўйидаги асосий ва тадбирларни тавсия этиш бўлардиқ:

— мактабгача тарбия ёшдаги болаларнинг ҳуқуқий тарбиясига оид «Низо» ишлаб чиқиш;


— боғча маъмурияти томонидан жамоатчилик марказлари билан ҳуқуқий масалалар ўрганиладиган тўғараклар тузиш;

— шу мавзуда турли жилдаги учрашувлар ўтказиб бориш;

— ҳар бир боғчада ҳуқуқий маслаҳатчилар штати ташкил этиш.

Хуллас, боғча болаларига ҳуқуқларини ўргатиш ўсиб келаётган ёш авлоди жамиятимиз тараққиётига ҳисса қўиладиган фуқаролар бўлиб етишиши йўлидаги дастлабки қадам бўлади.

С.ЖУРАКУЛОВ,
Термиз ДУ доценти



МУҲИМ МАСАЛА

Тахлиллар шунини кўрсатмоқдаки, майда безорилик, талончилик, товламачилик, ўғирлик ва номусга тегиш каби жиноятлар аксарият воёга етмаганлар томонидан содир этилмоқда. Ҳўш, бундай жиноятлар учун воёга етмаганларга қонунда қандай жавобгарлик берилган?

«Жиноят кодекси»да воёга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг ўзига хос ҳусусиятлари ва бошқа ҳолатлар эътиборга олинми, алоҳида жавобгарлик белгиланган. Булар жарима, ахлоқ тузатиш ишлари, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш жазоларидир.

Ҳўш, воёга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларни келтириб чиқараётган омиллар нималардан иборат?

Назаримизда, оиладаги тарбиянинг яқши эмаслиги, ота-она томонидан назоратнинг сустлиги, турли хил чет эл фильмлари таъсири, гиёҳвандликнинг қучайиб бориши билан ёшлар тарбиясига салбий таъсир қилувчи асосий омиллардан бўлмоқда.

Оиладаги тарбия фарзанд келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Қўш уясиде қўрганини қилади. Шунинг учун, ота-она фарзанд тарбиясига эътиборлорқ бўлса, бундай нохуш ҳолатга ўрин қолмайди. Қолаверса, халқимизда бир боғча етди маҳалла ота-онадир деган гап ҳам бор. Шу сабабли фарзанд тарбиясига нафақат оила, балки ўқув масканлари, маҳалла-қўй ва қариндош-уруғлар ҳам масъулдир. Ҳозирда турли чет эл жангари ҳамда беҳаё фильмлари юртимизга кириб келиши натижада, ёшларимизнинг, айниқса, ўсмирларнинг онги захарланмоқда.

Мақсад ёш авлодни жавобгарликка тортиш эмас, балки нохуш ҳолатларнинг олдини олишдир. Шундай экан, ёшларни оила, ўқув масканлари, маҳалла-қўй ва қариндош-уруғлар томонидан доимий равишда назоратга олиш, уларга тўғри йўлни танлашда қўмаклашиш муҳим масаладир.

Камол ҚОСИМОВ, ЎзМУ талабаси

Мустақилликдан сўнг мамлакатимиз ўз олдида ҳуқуқий давлат ҳамда эркин ва фаровон ҳаёт қуришни пировард мақсад сифатида қўйди. Ушбу мақсадга эришиш бевосита фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг сийёсий-ҳуқуқий маданияти, ўз-ўзини бошқариш қўниқмаларини ҳар томонлама ривожлантиришга боғлиқдир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетига ўтказилган «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?», «Талаба ҳуқуқи», «Конституцион ҳуқуқларимиз» каби давра сўхбатлари ёшларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қўмақ бериб келмоқда.

Мазкур билим масканида воёга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишлар бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳар бир факультетда тарбияси оғир ва жиноятчиликка мойил талабалар аниқланиб, уларга тажрибали ва ахлоқ-одобига барчага ўрнак бўладиган ўқитувчилар бириктирилган.

Воёга етмаган, етим ва ногирон талабаларга байрам тадбирларида моддий ҳамда маънавий қўмақ, имконият даражасида йўл

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР ЮКСАЛМОҚДА

чипталари ва «Хумсон» дам олиш оромгоҳига йўланмалар бериб келинмоқда. Талабаларни спортга жалб қилиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилган. Университетда 16 та спорт секцияси ишлаб турибди. Мавжуд спорт майдонлари ва заллари таъмирдан чиқарилган.

Соғлом авлод тарбияси бугунги кунга келиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Шунга асосан университетда республика «Оила» илмий-амалий маркази, 1-Тошкент тиббиёт институти муфассиллари, университет штаб-қорлик пункти, 8 ва 30-оилавий поликлиникалар ҳодимлари билан доимий ҳамкорлик қилинмоқда.

Университет иҳодкор талабалари гиёҳвандлик ва ОИТСга қар-

ши курашиш бўйича ОАВда ўз фикрлари билан чиқишлар қилмоқда. Гиёҳвандликка қарши курашиш, ОИТС ва унинг зарарли оқибатлари ҳақидаги INTERNET янгиликлари ва маълумотлардан хабардор бўлишмоқда.

Бугун олий таълим муассасалари, коллеж, лицей, мактабларда жиноятчилик, ОИТС, гиёҳвандлик ва унинг фожеали оқибатлари ҳақида махсус курслар ўқитилмоқда. Албатта болар яқши, лекин бу офатга кураш курашда қилинаётган ишлар етарли эмасдек. Бунга қарши курашни оиладан, боғчадан бошлаш керак. Токи, бола онгида бунга қарши иммунитет шакллансин.

Шерзод АБДУСАМADOV,
«Ниқуқ»нинг жамоати мухбири

TERGUVCHI NIKOVA QILADI



(Давоми Бошланғич ўқитган сонда). Энди

кетмоқчи бўлиб турганимизда Қодирнинг онаси ранг-рўйи бир алфозда келиб қолди. Тинқаси қуриган бўлса керак, дарҳол чўқалаб ўтирар экан, ух тортиб алам билан «ҳеч жойда йўқ» деди.

Уни ҳам саволга тутамиз. Йиглайди. Турмушдан ниҳоятда эзилгани кўриниб турган бу аёлдан бирон гап олиш ҳам қийин. Қисқа қилиб, ҳа ё йўқ деб жавоб беради.

Вақтни ўтказмаслик учун Қодирнинг онасини олиб, унинг ижара уйига жўнаймиз. Нариги микрорайондаги беш қаватли уйнинг охириги қаватига турар экан. Аёл эшикни очиб кириб, «ҳозир, чирокни ёқай» деб қаергадир йўқолди. Тоқатсизланиб кўл фонаримизни ёқиб, электр қнописини босамиз. Аммо свет йўқ, ичкаридан аёлнинг овози эшитилди.

«Кўлим қалтираб, гугуртни тополмайман. Ҳозир чирокни ёқаман». Унинг орқасидан қирамиз. Жиноят қидирув бўлими ходими гугурт ёқади.

Аёл энди чирокнинг пилигини тополмади ва ниҳоят ёқиб, шисшасини ўрнатди.

Светнинг пулини тўламадингиз деб бир ойдан бери узиб қўйишган. Нима қилай, акажонлар, ўғлим иккаламиз шу чирокни ёқиб ўтираемиз. Газхонада овқат қилсам, ўша ёққа кўтариб бораман. Кейин хонага кўтариб олиб оқиб еймиз. Икки ойдан бери ижара пулини ҳам тўлай олмайман. Уй эгаси бир ҳафта муддат бериб, агар тўламасанг чиқасан деяпти. Бор пулимини ҳам икки кундан бери ўғлимни қидириб таксичиларга бердим...

Икки хонали уй. Бир хонасида аёёл ўғли билан яшайди. Иккинчи хонада тўртта талаба қиз ижарада туришади. Бир-икки ойдан бери улар таътилда экан.

Хонанинг бир четига кўрпача тахталар тахланган. Телевизор, радио деган нарсалар йўқ. Бир бурчакда коса-товоқлар турган синиқ стол. Унинг устида бир нечта китоб-дафтар.

Уларни варақлаймиз. Сарик рангли умумий дафтарда шеърлар ва хар хил сўзлар ёзилган. Кундаликка ўхшаб кетади. Охириги варақлардаги шеър эътиборини тортади.

Эссиз умрим ўтиб бормоқда,

Кўз ёшларим селдек оқмоқда.

Юраккинам тўлиб бормоқда, Мадад беринг, руҳлар, қайдасиз?

Дафтарни варақлаётганимни кўрган аёл деди:

— Нима қилай, ёлғиз қолганимизда зерикиб шеърлар ёзмаган. Мендек қийналган, хўрланган аёл дунёда бўлмас керак...

Аёл йиғлаб,

Уйнинг эгаси бевалигимни билиб, менга гап ота бошлади. Шундан кейин у ердан чиқишга мажбур бўлиб, бу ерни топдим. Энди тинчидим деб турганимиз мана бу аҳвол. Асли пешонам шўр экан-да. Кечадан бери туз тотганим йўқ. Нима бўлсаям ўғлимни топиб бeringлар. Бошдан-оёқ сарпо қиламан, барака топинглар. Энди Зарифа менга таъна қилаяпти...

— Кеча ўғлингизда пул бормиди?

— Пул нима қилади? Уни ҳар доим Зарифанинг уйига киритиб юбориб, кечкурун олиб кетардим. Ўқитувчиси ҳам бепул ўқитаётган эди.

— Аввалги ижара уй эгаси қандай одам? Нима иш қилади? У сизни бирон нарса деб қўрқитган эмасми?

— Шундан гўмон қиламан. У

кача йиғлаб қузатади. Унга таскин бериб прокуратурага қайтамиз. Ана энди аниқланган ҳолатларни бирма-бир тахлил қилиш, қидирув режасини тузиш, ачамунча қозғоларни қоралаш лозим.

— Ҳўш, мана нима бўлганини ҳам билиб олдиқ, қимда қандай тахмин бор?

Биринчи бўлиб жиноят қидирув ходими гап бошлади:

— Бу анави шеър ёзадиган аёлнинг иши. Ута камбағаллигидан болаларни бировга сотиб юборган. Бекорга уни уйда қолдирдингиз...

— Бўлмаган гап. Ундай аёлга ўхшамайди. Ҳўш, ёнидаги аёлнинг босасини сотди дейлик, ўзининг ҳам боласи йўқоляпти-ку.

Инспектор эътироз билдирди:

— Бир уйлаб кўринг. Уч боласи

кейтишган. Аввал шундай жойни аниқлашимиз керак. Ҳозир оналари ҳаяжонланиб тўлиқ эслай олишмайпти, эрталаб улар билан яна гаплашамиз.

Бошқа ходимга топширик бераман:

— Ҳамдамнинг ва Қодирнинг онасига шилқимлик қилган ичакфуруш билан шуғулланасиз.

Яна қатор топширлар берилди. Лекин уларнинг қайсиси натижа беради, ҳеч ким билмайди.

Менга Қодирнинг «олдингми» деган гапи тинчлик бермайди. Нега бу сўзни айтди? 500 сўм унга эмас, ўқитувчига аталган-ку. Муаллим келмагани учун пул болаларда қолган. Бу пул билан қаерга бориш мумкин ёки нима сотиб оلسа бўлади? Ҳўш, улар икки кундан бери пулни ишлатиб бўлди ҳам дейлик, энди қайтиши керак-ку, ёки уларни топа олмаётимизми? Ҳамдам тополмаслиги мумкин, аммо тўққиз ёшли Қодир қийинчиликларни кўриб кўзи пишиб қолган. Ҳар ҳолда уйини топиб келади. Ҳеч бўлмаса бирон кишидан ёрдам сўрайди.

Бир нарса аниқ: зўрга кунини кўриб турган оила. Бирон киши қасдлашиши учун асос йўқ. Демак, болалар ўзи чиқиб кетган.

Уша «олдингми» деган сўз ҳам нимагадир тайёргарликни билдирди. Қаергадир кетиш учун уларга пул керак бўлган. Агар пиёда борадиган жой бўлса, пул керак бўлмаган эди. Демак, транспортда юриш керак. Қўшни тумангами ёки ундан ҳам узоққамми?

Яна бу фикримдан қайтаман. Иккита ёш бола 500 сўм билан қаерга ҳам борар эди. Буларни ким ҳам кутиб ўтирибди. Бирон-бир жиноят қурбони бўлишимизми? Ахир дунёда аҳмоқ одамлар кўп бўлса, ҳозир пул учун нималар қилишмапти.

Қатъий бир фикрга келолмай ярим тунда уй-уйимизга тарқаламиз.

Эртасига кутилгандек иш гафво билан бошланди. Чунки вақт ўтиши билан болаларнинг қариндошлари асабийлашмоқда. Бу илгаридан маълум. Аввал ана келди-мана келди деб ишониб туришади, аммо бир неча кун ўтгач жанжал бошланади.

Икки боланинг ҳам онасининг вазоҳати ёмон. Улар гоҳ бир-бирлари билан жанжаллашар, гоҳ шу ердаги милиция ходимлари билан тортишиб қолар эди.

Ҳамдамнинг дегарли барча қариндоши шу ерда, бирлашиб Қодирнинг онасига ҳужум қилишмоқда.

— Сенинг боланг бунга қўйилди-ю шундай бўлди. Сен топсан. Нима қилган бўлсанг ҳам сен қилгансан.

Бечора аёл даг-даг қалтирайди. Ёнида ҳеч кими йўқ. Ит қувган гадоғайи у ёқдан бу ёққа тачади.

Энди улар бизга тўнана қила бошладилар.

— Болаларнинг йўқолишига уч кун бўлди. Ҳеч қандай дарак йўқ. Бирон жойда ёки биронта милиционерда уларнинг расмини кўрмадик. Қидираяёқларми узи? Ёки болаларни ўғирлаганлар роса яшириб бўлсин деб кутаяёқларми?

Нима ҳам дейиш мумкин? Улар ҳақ, Телевидение билан энди гаплашдик. Кундузи кўрсатув йўқ экан, кечкурун эълон беришади. Радио ҳам шундай. Фақат соат 17 дан сўнг. Уни вилоят аҳолисининг учдан бири эшитадими йўқми, номаълум. Лекин бошиқлар нима иш қилдинг деб сўраганда кўрсатиш учун барибир керак. Газеталар эса ҳафтада бир чиқади.

(Охири кейинги сонда).

ҲИДАЙРУВ

Сафар КАТТАБОЕВ

ўз «тарихи»ни қисқача гапириб берди.

— Оғаларим-ов! Мен Қаршига келаман, буйтиб бундай уйларида чироқ ёқиб ўтираман деб ўйламоқдим. Отам мени Ермат деган ҳамқишлоғимизга эрга берганда ўн тўққиз яшар қишлоқнинг олди қизларидан эдим. Эрим билан бир болали бўлгунча яшадим. Кейин у мардикор ишлайман деб Россияга кетди. Икки йил дом-дараги бўлмади. На бир сўм пул келди, на бошқа нарса. Мен гоҳ отамникида тураман, гоҳ қайнотамникида. Қишлоқда иш йўқ. Ҳеч жойда ўқимаганман. Нима қилишим керак? Эрим келгандан кейин бир ярим ой турди. Россияга қарз олиб кетган экан, одамлар қис-тайверганидан яна Россияга кетди. Шу билан дараги йўқ. У билан кетганлар ўрисми-татарми бир хотинга уylanган дедилар. Чинми-ёлғонми билмайман. Мен ҳам унинг уйида ўтиравераманми, ота уйга қайтиб келдим. Отам мени уч қишлоқ нарига, бир хотини ўлганга берди. У алқаш экан. Аввалги хотинидан икки бола қолган. Улар ўғай онам бизни ураятти, нон бермайди деб ҳар кунни эримга урдирарди. Кўрган куним курсин. Ундан ҳам икки бола кўрдим. Эрим ўғитлар бўйича агроном эди. «Церроз печен» бўлиб ўлиб кетди. Ана энди беш бола билан қолдим. Овсинларим мени сиғдирмасди. Эримнинг аввалги болаларини улар олишди. Мен отамникига қайтдим. Уйимдагилар ҳам сиғдирмади. Фақат онам менга таскин беради.

Охири катта боламни биринчи эримникига бериб, қолган икки боламни олиб уйдан чиқиб кетдим. Қаршига келиб бир чойхонада ўтирганимда, чойхона эгаси бўлган аёл менга раҳми келиб, ижарада туришга квартира топиб берди. Уша аёлдан озроқ қарз олиб бозордан семечка, майда-чуйда олиб сотиб юрдим. Болаларим доим менга эргашиб юрар эди. Уларнинг ночор аҳолини кўриб, бирга савдо қиладиган Хўлкар исмли боласи йўқ аёл қизим Нилуфарни қарамоғига олди. Ҳар замонда келиб, қизимни курсати кетади. Ундан кўнглим тўқ. Усти-боши бутун, мактабга ҳам қўйибди.

менга «қаерга борсанг ҳам топиб оламан, агар уйдан кетсанг нарсаларимни ўғирлаган деб милицияга айтаман» деган эди. Узи молларнинг ичак-чавогини олиб, Тошкент ресторанига ташийди. Керак бўлса Тошкентдан бир уй олиб бераман деб айтар эди. Бир кун келсам ўзининг қалити билан хонани очиб, бир аёл билан ароқ ичиб машаат қилиб ўтирибди. Жудаям ифлос одам, ундан ҳар нарсани қутса бўлади.

Инспектор шу одамнинг манзинини ёзиб ола бошлади. Мен эса хоналарни кўздан кечираман. Бу ерда ҳам болаларнинг йўқолиши билан боғлиқ ҳеч нарса йўқ. Дафтардан яна бирон нарса топиш мумкин эмасми? Уни варақлайман, энг охириги шеърдан кейин шундай ёзилган: «Қодир-жон, сен йўқолдинг, онам нима бўлди деб ўйламадинг. Мен Қаршининг ёт кўчаларида юриб тонг оттирдим. Нахотки менинг сўнги умимим йўқолса?...»

— Бу сўзларни қачон ёзгансиз?

— Кеча кечаси. Енимда ҳеч ким йўқ. Йиглайвериб кўз ёшларим ҳам тугади. Аламимни қозғодан оламан-да.

Ишонқирамай яна дафтарни варақлайман. Бу фақош аёлни муҳаббат ҳам четлаб ўтмаган кўрилади.

Қўлим етмас юдузим эдинг, Чарақлаган юдузим эдинг. Нахот энди иложсиз қолдим, Тарқ этдингми мени, муҳаббат?

Дафтарда расмлар бисёр, қояда бургут ўткир панжалари билан каттактон илонни босиб турибди, иккаласи ўртасида шафқатсиз кураш кетаяпти.

— Шеърларингизни биронта газетага юборганмисиз?

— Йўқ, мен шеърни ўзим учун ёзмаман. Газетага юборишга уялман. Булар шунчаки эрмак.

Дафтарни ёпаман. Бу ерда бошқа қиладиган иш қолмади.

— Биз кетдик, эртага эрталаб прокуратурага боринг. Уша ерда гаплашамиз, мана бу дафтарингизни оламиз, кейин қайтарамиз.

Уни синчиқлаб ўқиб, болаларнинг йўқолишига оид бирон нарсани топишга умид қиларман.

Аёл чироқ кўтариб, бизни эшик-

уч жойда, агар болаларга ичи ачиса бировга бериб қўярмиди? Унинг гапларига умуман ишониб бўлмайди. Пулга муҳтож одамнинг кўлидан ҳар нарса келади. Аллақачон пайдо бўлган участкавий ҳам «опер»нинг фикрини маъқуллайди.

— Уй билан мактаб ораси бир ярим километр чиқади, улар иккита унча катта бўлмаган кўчани кесиб ўтишади. Бориб суриштирдим. Қаёққа кетишганини ҳеч ким кўрмаган. Тасодифан бирон машина уриб кетган десак, бунақа воқеа бўлмаган. Шу ердаги дискотека, морозхона, болалар ўйнайдиган компьютерхоналарга чиқиб чиқдим, ҳеч ким кўрдим демайди. Ким ўғирлаши мумкин. Ана ўзингиз ҳам икки кунлик «сводка»ни кўраясиз, болалар билан аёлнинг ҳеч нарса йўқ. Бу уша аёлнинг иши.

Иш ўрганувчи ҳам ботинолмай ўз фикрини билдирди:

— Анави, чет элларга болалар ва аёлларни алдаб олиб кетадиганлар бор-ку, ўшалар қилгандир.

Бу тахмин шунчаки айтилгани кўришиб турибди. Уни тасдиқловчи биронта ҳам асос йўқ. Шу пайт эшик тақиллаб, милицияда қидирув билан шуғулланадиган инспектор кириб келди ва узр сўрай бошлади.

— Мен зарур иш билан қўшни туманга кетган эдим. Ўтган йилдан бери қидириляётган бир ўғри танишникига келди деган маълумот бор эди. Икки кун боғ ичида ётиб пойладик, зах ўтиб кетди. Келиб бу воқеани эшитдим-у, тезда болаларнинг оналари, қариндошлари ва қўшинлари билан гаплашдим. Сизларни ҳозир кетди дейишди.

— Гапни қисқа қилинг, вақт йўқ, фикрингиз?

— Болаларни ҳеч ким ўғирламаган, улар қаергадир кетишган. Бекорга оналари ваҳима қилишмаяпти. Узоқ қариндошлариникини ҳам суриштиришимиз керак.

Унга топширик бераман:

— Ҳамма қариндош, таниш-билишларининг рўйхатини тузинг. Бирма-бир суриштиришни бошлаймиз. Болалар ўғирланмаган, ўз ихтиёри билан кетган бўлса, албатта ўзларига маъқул жойга

SUD OCHERKI

Меҳнат миграцияси. Ривожланиётган давлатларнинг ҳаммаси ҳам бу босқични босиб ўтиши табиий. Бу ҳақда бугун кўпчилигимиз етарлича тушунчага эгамиз. Айни пайтда юрдошларимиз орасида хорижда ишлаб ва касб маллакасини ошириб келиш, шу орқали ҳам ўзлари учун, ҳам мамлакатимиз учун даромад келтириш истагидагилар кўпчиликини ташкил этади. Шу боисдан мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан меҳнат миграцияси масаласида ҳамкорлиги кенгайиб бормоқда. Мазкур соҳада бир қанча қонун ҳужжатлари, ҳукумат қарорлари амалга киритилган. Бу албатта ижтимоий-иқтисодий ривожланишга ижобий таъсирини кўрсатади.

натқаш муҳожира ишлари бўйича Республика Ваколатхонасини билан таъсис этилган эди. Ваколатхона агентлик сифатида қайта ташкил этилган, 2001 йилнинг 16 апрелидан 2003 йил 29 июнига қадар агентлик бошлиғи бўлиб ишлаган С.Саидназирхонов ўз мансабидан фойдаланиб, давлат ва фуқаролар манфаатига катта миқдорда моддий зарар etkazган.

нинг ишламаган ва иш ҳақи олмаган даври учун ҳам КРС компанияси харажатларига деб 34 доллардан ундираверишган. Оқибатда 2001-2003 йиллар мобайнида шартномадан ташқари ишлаб юрган йигитларнинг 116.952 АҚШ доллари миқдоридagi маблағи сохта ҳужжатлар асосида ундирилиб ва агентлик ҳисоб рақамида сақлаб келинган. Бу билан фуқаролар манфаатига катта

Яна бир ғалати ҳолат: КРС компанияси томонидан ишга олиб кетилган кўпчилик юрдошларимиз Кореяда чорвачилик билан шуғулланишган. Демак, уларнинг шу соҳада малака оширишига тўғри келган экан-да?

Яна бир ачинарли эпизодга тўхталиб ўтмай иложимиз йўқ. Сурхондарёлик Т. А. деган ҳамкортигимиз 2000 йилда шартнома билан Кореяга ишлагани жўнади. Дастлаб у Жанубий Кореянинг «DOE SONG 151-9» фирмасида ишлаб, бир йил ўтган, қандайдир сабаб билан шартномани бузиб бошқа фирмага ишга ўтиб кетган Т. А. 2002 йилда автоҳалокат оқибатида вафот этади. Ушбу ҳолат бўйича КРС компанияси томонидан 24.880, 16 АҚШ доллари миқдоридa компенсация, яъни тоvon пули ажратилгани, марҳумнинг жасадини Ўзбекистонга жўнатиш билан боғлиқ харажатлар учун 7.280, 17 АҚШ доллари чегириб қолингани ва қолган 17.600 долларни унинг қариндошларига бериш ҳақида ёзма маълумотлар жўнатилади.

Бирок, жиноий гуруҳ аъзолари бутунлай бошқача йўл тутшади. Улар агентликнинг Сурхондарёдаги вакили орқали Т. А.нинг яқинларига марҳумнинг жасадини олиб келиш билан боғлиқ харажатлар учун 3.103 АҚШ доллари тўланиши талаб қилинган хат жўнатадилар.

Турган гапки, ўз фарзандини йўқотиб, шундоқ ҳам изтиробда юрган ота учун бу яна бир зарба бўлади. Оқибатда у киши касалликка чалиниб, меҳнат маъқени йўқотишгача етиб боради.

Эҳтимол, агентликдаги «жаноб»лар марҳумга тегишли бўлган 17.600 долларни ўзлаштириш фикридан йироқ бўлишгандир. Лекин нима учун улар бу пулни то прокуратура текширув бошлаган вақтга қадар қафилнинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришмагани тушунарсиз.

Хуллас, ушбу жиноий гуруҳнинг содир этган қилмишлари анчагина. Тергов даврида фуқаролар ва давлат манфаатларига etkazилган жуда кўп миқдордаги моддий зарар айбдор шахслардан тўлиқ ундирилиб олинди. Хорижда ўз омадини қидириб, пул топанма деб юрган ватандошларимиз ҳақиқига кўз тиккан жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан одил суд тегишли жазо белгиланди.

Хайрулла АХАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта терговчиси

Бирок, бу жараёндан ўзининг шахсий манфаати йўлида фойдаланиб қолиш истагидаги тоифа-лар ҳам пайдо бўлди-ки, бу ҳолат билан асло мурося қилиб бўлмайди. Утган йилнинг сентябрида Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг бир гуруҳ масъул ходимлари содир этган жиноий

лик эди. Буни яхши тушунган Саидназирхонов энг аввал ўз атрофида «ишончли» одамларни тўплаш пайида бўлди. Ахир расмий ҳужжатларга сохта маълумот-

Хорижларда юрганлар ҳаққи

қилишларни кўришиш кўпга юрдошларимиз кўнглида тугун бўлиб турган муаммага ечим бўлди десак янглишмаймиз.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги қонунга биноан жуда кўп ваколатга эга. Номланишидан келиб чиқиб, агентлик асосан чет элда ишлаш истагида бўлган фуқароларга хориждан иш ўринлари топиш ва шартнома асосида уларни ишга жўнатиш, шунингдек, мана шу жараён билан боғлиқ барча вазифаларни амалга оширади.

Мазкур агентликнинг бошлиғи лавозимида ишлаган Саидкомил Саидназирхоновни кўпчилик яхши танийди. Буни тушуна бўлади; хорижда ишлаб, пул топиб келаман деганлар кўп, уларнинг таниш-билиши эса ундан ҳам кўп... Хуллас, С. Саидназирхоновнинг мансабига ҳавас қилса аригу-

ларни киритиш, сохта ҳужжатлар тузиш ишларида ҳар кимга ҳам ишониб бўлармиди?

Шу мақсадда, у биринчи бўлиб муовини ва бош ҳисобчини синовдан ўтказди. Булар билан ишласа бўлади, деган хулосага келган бошлик иш бошлади.

Шундан кейин, агентлик раҳбари С.Саидназирхонов, бошлик ўринбосари (кейинроқ фуқароларнинг хорижда йўллаш бўйича Тошкент вилоят бюроси бошлиғи) Аҳмаджон Муҳаммаджонов, агентлик ҳисобчилари Малика Туропова, Жайрон Мукаилова, шунингдек Тошкент вилоят бюроси ҳисобчиси Фозилжон Рафиқов, вазирликда техник масалалар бўйича бош мутахассис бўлиб ишлаган Рафаел Мухамметшилардан иборат гуруҳнинг ноқонуний фаолиятлари бошланади.

Маълумки, мазкур агентлик дастлаб 1995 йилда собиқ Меҳнат Вазирлиги ҳузуридаги «Мех-

Гуруҳ аъзолари томонидан содир этилган жиноят эпизодларидан бир нечтасини кўриб чиқиб, мулоҳаза юритсак.

Масалан, С.Саидназирхонов гуруҳи агентлик ва Жанубий Кореянинг КРС компанияси ўртасида тузилган бош келишу ва молиявий келишувдан антиқа йўл билан фойдаланишни йўлаб топишди. Яъни, мазкур келишуларга асосан КРС компанияси ўз харажатлари учун ишчиларнинг маошидан ҳар ойда 34 АҚШ доллари миқдорига комиссияни йиғим ушлаб борилиши, агарда ишчи иш жойини ташлаб, қочоқ сифатида қайд этилса, унга нисбатан Жанубий Кореянинг энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорига жарима қўлланиши белгиланган.

Бирок, С.Саидназирхонов ва унинг шериклари 236 нафар иш жойини ташлаб кетган ҳамюртимизга белгиланган жарима қўлланганини била туриб, улар-

миқдорда зарар etkazилган.

Бундан ташқари, С.Саидназирхонов уюшган гуруҳ аъзоси Ж. Мукаилова билан тил бириктириб, ҳисоб-китобларни ўз вақтида солиқ инспекциясига топширмай келишган.

Шу ўринда бир савол туғилади: нима учун Кореяга шартнома бўйича ишга борганларнинг аксарияти иш жойини ташлаб кетишга мажбур бўлишган? Суд мажлисида гувоҳ сифатида иштирок этган ана шундай юрдошларимиз КРС компанияси берган иш ўринларининг талабга жавоб бермаслигини, яъни иш ҳақининг камлиги, меҳнат шaroити йўқлиги каби сабабларни кўрсатади. Улардан баъзилари бу ҳақда агентлик вакилига мурожаат қилишганида ҳам ҳеч қандай ёрдам берилмаганини маълум қилишган. Ваҳоланки, шартномага муюфиқ, иш берувчи уларга муносиб меҳнат шaroити яратиб бериши керак эди. Бу билан шартномани бузиб, қочоқ сифатида хорижда ишлаб юрганларни оқлаш ниятимиз йўқ, албатта.

OT BALOSIDAN, SUV BALOSIDAN... O'ZING ASRA!

2004 йил 12 апрел. Жиззах вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан бирининг ходимиغا Пактакор туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлмиш Содиқова Карима (исмлар ўзгартирилган) мурожаат қилади. Унинг айтишича коллежининг маънавият ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишловчи Ж.Юсупова шубҳали хатти-ҳаракатлар қилиб, конституцион тузумга қарши арақалар тарқатаётган экан. Хабарни эшитган ходим эртаси кунига учрашув белгиледи...

2004 йил 17 апрел. Ҳаво оқиқ. Жиззахдаги «Етим тоғ» этакларини яшил майсалар қоплаган. Вилоят МХХ идорасига кириб келган уч аёл хонага олиб қирилган, улар билан суҳбатлашилди. Касб-ҳунар коллежининг директор ўринбосари К. Содиқова ҳамда ўқитувчилар З.Каримова ва Б.Болтаевалар директорнинг ўринбосари Ж.Юсупова томонидан конституцион тузумга қарши тайёрланган уч нусха арақаларни тақдим этиб, ёзма кўрсатмалар беришди.

Ушбу арақалар тезда тегишли органларга, жумладан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар кўмитасига ҳамда махсус экспертизгага жўнатилди. 2004 йилнинг 20 апрелида ушбу экспертизанинг хулосаси чиқарилди. Унда қуйидаги сўзлар бор эди: «К. Содиқова ва бошқалардан олинган арақалар аҳоли орасида ваҳима чиқар-

ришга, шунингдек, тухматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар ҳамда жамият хавфсизлигига қарши қаратилган маълумотлар тарқатилишига хизмат қилади. Ушбу хулоса вилоят прокуратурасида ҳам тегишли тартубда назоратга олинди. МХХ билан ҳамкорликда коллежда хизмат текшируви ўтказилди. Натижа эса хайратланарли эди: «Ж.Юсупованинг ушбу арақаларга умуман аллоқаси йўқ». Ҳуш, унда ваҳима кўзгатишига қаратилган арақалар қаердан пайдо бўлди? Ёшларга таълим-тарбия беришдек маъсулиятли фаолият билан шуғулланувчи ўқитувчиларнинг бу ишга бош кўшаётганлиги афсусланарли ва айниқса кам учрайдиган ҳодиса

бўлса... Таассуфлар бўлсинки, ушбу касб-ҳунар коллежида анчадан бери носоғлом вазият юзга келган эди. Айниқса, директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ж.Юсупованинг 2003-2004 ўқув йили давомида қатор идораларга турли мазмундаги шикоятлар ёзганлиги сабабли бир неча марта таълим бошқармаси, Пре-

зидент Девони ва прокуратура органлари томонидан текширишлар ўтказилиб, шикоятлар ўз тасдиғини топмаган. Ж.Юсупованинг бундай хатти-ҳаракатлари К.Содиқованинг ҳам нафсониятига тегмай қолмади. Шунда у ўқитувчи М.Хусановга «дилнини ёради»: — Бу Юсупова деганларни жуда жонга тегди-ку. Бу хонимнинг қилмишларини очиб ташлаш вақти келди. Уни мен ҳам «органга» топшироқчиман. Бу киши давлатга қарши арақага тайёрлатиб, Зилола билан Барно (ўқитувчилар)га тарқатиш учун берибди. Уз навбатда М.Хусанов бунақа ишлар билан МХХ шуғулланиши ҳақида маълаҳат беради. Шу тахлит арақалар у юзга etkaz-

зилади. Текширишлар арақалар ушбу коллеж котибаси Н.Жукова томонидан ёзув машинасида кўчирилганлигини, бунда ушбу аёлнинг ўзбек тилини билмаслигидан фойдаланилганлигини, арақаларнинг қўлёзмаси эса бегона одам томонидан ёзиб берилганлигини кўрсатади. Оқибатда эса ана шу бегона одам Содиқованинг ўзи бўлиб чиқди. У Ж.Юсуповани «Йўқ қилиш» режасига биноан, қачонлардир «оғоҳликка даъват» мавзусида ўтказилган йиғилишда ўқиб эшиттирилган арақалар мазмунига ўхшаш матн тайёрлайди. Наҳаждан ўзбек тилини билмаслигидан фойдаланиб, ёзганларини оққа кўчиртиради. Сўнгра эса режасига кўра ўқитувчилар Зилола билан Барнони ҳам киритиб, уларни гувоҳлик беришга қўндиради. У шу тарафда Ж.Юсуповани «йўлдан суриб ташлаши»га ишонди. Қолган воқеалар эса юқорида келтирилганидек кечди. Жиний ишлар бўйича Жиззах вилоят суди К. Содиқова, З. Каримова ҳамда Б. Болтаеваларни жиноят кодексининг бир неча моддаси билан айбдор деб топди ва уларга тегишли жазо белгиланди. Гулнора ХАМРОЕВА, Жиззах вилояти прокуратурининг катта ёрдамчиси

ЎШТИРИЛГАН ТУХМАТ

2-MART — O'ZBEKISTON BIRLASHGAN MILLATLAR TASHKILOTIGA A'ZO BO'LGAN KUN

«Инсоният олдига турган муаммоларни бартараф этиш борасида бутун жаҳон розиқисса эриша оладиган ва барча миллатлар номидан иш қиришга қодир эгона, универсал ташкилотнинг зарурати бутун ҳар қачондан ҳам равшан бўлиб қолди.

Шундай қудратга эга ташкилот бор — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир».

Кофи АННАН,
БМТ Бош котиби

Бундан 60 йил бурун, яъни 1945 йилнинг баҳорида Сан-Франциско шаҳрида 50 мамлакат вакиллари иштирокдаги конференция узоқ, оз эмас кўп эмас икки ой давом этди. Делегатлар 1944 йили Думбартон-Оксда Хитой, собиқ СССР, Буюк Британия, АҚШ вакиллари томонидан ишлаб чиқилган таклифларни мазкур конференцияга асос қилиб олишган эди. Натижа шу бўлдики, Сан-Франциско конференциясида оламшумул ҳужжат — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ишлаб чиқилди. Мазкур Низом Иккинчи жаҳон уруши якунига етиб қолган бир пайтда, 1945 йилнинг 26 июнида иштирокчи давлатлар томонидан имзоланди. Аммо ташкилот Низомини йирик давлатлар ратификация қилганидан кейин, яъни 1945 йилнинг 24 октябридан бошлаб БМТ расман фаолият юритиб келмоқда. Маълумки, ҳозирда БМТда олти бош орган: Бош Ассамблея, Хавфсизлик кенгаши, Иқтисодий ва иқтисомий кенгаш, Васийлик кенгаши, Халқаро суд ва Котибят, шунингдек, 15 муассаса, бир қанча орган ва дастурларни ўз ичига қамраб олган.

«Бирлашган Миллатлар» атамаси илк бор Рузвелт таклифи билан 1942 йилнинг 1 январидан ишлаб чиқилган «Бирлашган Миллатлар Декларацияси»да қўлланилган эди.

Миллионлаб инсонларнинг ёстигини қуритган Иккинчи жаҳон уруши халқаро ҳамжамият учун сабоқ бўлди. БМТ шунинг натижаси эди десак, янглишмаймиз.

«Биз — Бирлашган Миллатлар халқлари,— дейилади БМТ Низоми преамбуласида,— тўла ишонч билан уруш офатларидан авлодларни халос этиш мақсадида, бизнинг ҳаётининг муҳимида содир бўлган икки урушнинг сўз билан йфодалаб бўлмайдиган аламларини таътиган кишилар сифатида инсониятнинг асосий ҳуқуқ ва қадриятларга бўлган ишончини қайта тиклашга, эркак ва аёлларнинг, каттаю кичик мамлакатларнинг тенг ҳуқуқлилигига эришишга киришамиз... Биз ушбу мақсадларга эришиш йўлида кўчларимизни бирлаштиришга қарор қилдик».

Мана олтинчи йилдирки, бу ташкилот ўз олдига қўйган вазифалари — ер ўзида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, глобал халқаролик муаммоларга ечим топиш, миллатлар, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ишонч ришталарини мустаҳкамлаш чораларини қўриб келмоқда.

Умуман, Низомга мувофиқ БМТ ўз олдига инсон авлодларини уруш офатларидан батамом қўтариб, шахснинг ҳақ-ҳуқуқларини, обрў-эътибори, кадр-қимматини, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилигини, катта ва кичик миллатлар тенглигига ишонччи мустаҳкамлашни, шартномалар ва халқаро ҳуқуқ талабларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳурмат билан қарашни ва адолатла риоа этиш лозим бўлган шарт-шароитлар яратишни мақсад қилиб қўйган. Бугунга келиб БМТ энг йирик ва нуфузли ташкилот ҳисобланиб, дунёнинг 188 мамлакатини унга аъзо бўлиб қирган.

1992 йил 2 март. Яқиндагина давлат мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди. Бу кун давлатимизнинг ташқи сиёсий фаолияти учун янги даврни очиб берди. Мана 13 йилдирки БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб квартираси олдига мамлакатимиз байроғи ҳилпираб турибди. Утган йиллар ичида мамла-

катимиз БМТга аъзо давлатлар орасида муносиб ўрин эгаллаб, ташкилотнинг турли муассасалари ва дастурларидан бошлаб БМТга аъзо келмоқда.

Мамлакатимиз қисқа муддат ичида БМТнинг тўла ҳуқуқли аъзоси си-

ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш масъулияти юклаган. Мазкур тузилма низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, тинчликка ҳар қандай таҳдид мавжудлигини аниқлаш, вазият кескинлашувининг олдини олиш чораларини белгилаш ва таъсирлар бериш ваколатларини амалга ошириш билан шуғулланади.

Хавфсизлик кенгаши халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлайдиган барча шартномалар, минтақавий битимларга мувофиқ ёки минтақавий идоралар томонидан режалаштирилган ҳаракатлардан доимо тўла хабардор бўлиши лозим (БМТ Низомининг 54-моддаси).

ларни мақсад ва манфаатлари умумийлиги асосида кўп қиррали иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик тизими ташкил этиш ҳамда чуқурлаштириш каби минтақавий хавфсизликнинг муҳим муаммоларига ҳамжамият эътиборини қаратишга ҳаракат қилмоқда.

«Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Биз бу нуфузли ташкилотнинг минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳозирги замон-

лишлари хусусида тўхталар экан.

Мустақиллик йилларида ҳаётнинг ўзи халқимизни кўп нарсаларга очик кўз билан қарашига ўргатди. Хусусан, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришда, мамлакатимиз ва минтақамизда сиёсий барқарорликни сақлаб қолишда халқаро муносабатлар, халқаро ҳамкорлик ва хавфсизлик тушунчалари ҳақида етарлича хулоса чиқариб олишимизда ҳам ўтган йиллар катта ўрин тутди.

Сир эмас, қаердаки инсон ҳуқуқлари поймол қилинаверар экан, қаердаки тараққиётга суний тўсиқлар қўйилаверар экан, у ердаги тинчлик

Тинчлик йўлида олтмиш йил

фатида дунёнинг қўллаб-қувватлаш билан дипломатик муносабатлар ўрнатди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, фойдалилик, ички ишларга аралашмаслик принципларига асосланади, унинг йўналиши ҳамда мезонларини белгилашда асосан кўйилган тамойиллар муҳим роль ўйнайди:

Миллий манфаатлар устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш; муносабатларда умуминсоний қадриятлар устуворлиги; ташқи сиёсатда ошкоралик; халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги.

Ўзбекистон икки томонлама, шунингдек, кўп томонлама ташқи алоқаларни ҳам тўла ишонч принциплари асосида ўрнатиш ва ривожлантириш, ҳамкорликни халқаро ташкилотлар доирасида чуқурлаштириш тарафдоридир.

«... давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта — у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир», дейди президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг тенг ҳуқуқлилигига эришишга киришамиз... Биз ушбу мақсадларга эришиш йўлида кўчларимизни бирлаштиришга қарор қилдик».


Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигида хавфсизлик масалалари муҳим ўрин тутди.

Бугун глобаллашув сари бораётган дунё ҳамжамияти олдига ҳақиқатан ҳам халқаро ҳамкорлик ва хавфсизлик тизимини ривожлантириш муаммоси янада кўриб келинди. «Совуқ уруш» барҳам топганидан кейин дунёвий хавфсизликка асосий таҳдидни минтақавий можаролар, муайян давлатлар ичидаги сепаратизм сола бошлади. Ачинарлиси, бундай қарама-қаршиликлар айрим мамлакатлар қўлида уларнинг ўз манфаатлари ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш, ҳеч бўлмаганда стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айланиб қолмоқда. Бу ҳолат улкан табиий, минерал хом ашё, стратегик ресурсларга бой бўлгани боис тобора кўлаб мамлакатларнинг қураш майдонига айланиб қолаётган Марказий Осиё минтақаси учун ҳам тегишлидир.

«Глобал хавфсизликка йўл регионал хавфсизликни таъминлаш орқали ўтади, бошқача айтганда, глобализмга йўл регионализм орқалидир», дейилади Президентимизнинг БМТнинг 50 йиллигига бағишланган йиғилишидаги (1995 йил 24 октябр, Нью-Йорк) нутқида.

Халқаро хавфсизлик тизимининг шаклланиши, ававалмубор, халқаро ҳамкорликнинг мустаҳкамлаши билан боғлиқ. Бу жараёнда эса БМТ ҳал қилувчи роль ўйнамоғи шарт.

Маълумки, БМТнинг Хавфсизлик кенгаши зиммасига халқаро тинчлик



Шарқ билан Ғарб ўртасида мурасасизлик эндиликда миллий ва диний заминдаги мурасасизлик билан алмашаётганлиги БМТ олдига янгича талаблар қўймоқдаки, президентимиз бу ҳақда: «...БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик Кенгаши ҳозирги дунёнинг иқтисомий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан гоят хилма-хиллигини баъбаравар тарзда акс эттириши, ўзининг тарихи топан консерватив тузилмасини қайта қўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар қўриш зарурати ниҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз», — деган эди.

Ўйимиз Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликка эришиш, мининг бошқа долзарб муаммоларини ҳал этиш борасидаги иштироки кенгайишидан манфаатдорим.

Шу билан бирга, жаҳон майдонда халқаро хавфсизлик масаласида билан боғлиқ мулқоқ янги тенденция ва вазиятлар, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи — Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта қўриб чиқишни талаштиришни тақозо этмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти модернизация ва ислоҳ қилиш қанчалик зарур


ва осудалик алдамчидир. БМТ секретариати томонидан қўриб олинган инсон ҳуқуқлари бўйича конвенция ва пактларнинг 20 дан ортиғига Ўзбекистон қўшилган ва амал қиладди.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалар билан шуғулланган ташкилоти ЮНЕСКОнинг роли ва аҳамияти дунёвий тамаддунда бениҳоя каттадир. ЮНЕСКО Уставининг 1-моддасига мувофиқ, бу ташкилот халқларнинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, адолатли қарор топтиришни, таълим, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш йўли билан дунёдаги халқаро хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳамкорлик қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. Бугунга келиб 200 га яқин давлат, жумладан Ўзбекистон ҳам ЮНЕСКОга аъзо.

ЮНЕСКОнинг асосий вазифаларидан бири, бутун дунёга инсониятнинг интеллектуал муваффақиятларини намоён қилишдир. Ташкилот бу борада мамлакатимизда ҳам кўлаб тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Юртимизда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби бобоқалонларимизнинг таваллудига бағишланган халқаро йиғинлар, Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғоний юбилейларининг ўтказилгани шулар жумласидандир. Тошкентда ЮНЕСКОнинг ваколатхонаси очилган.

Шунингдек, мамлакатимиз 1992 йилнинг 22 майдан бошлаб Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг (УССТ) аъзосидир. Уйлаймизки, «Сихат-саломатлик йили» деб номланган йилмизда мазкур ташкилот билан ҳамкорликда кўлаб эзгу ишлар амалга оширилади.

Шавкат ЁДГОРОВ,
Президент ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тадқиқотчиси





ТО УХАТ О'RNIDA

БАРДАМ БЎЛИНГ, ЖАЛФОС ОФА!



Меҳрибонлигиниз намойён бўлаверди.

Жалфос оға, ҳалқимиз умрни бекорга оқар дарёга қиёс қилмас экан. Дарё ўз йўлида қанча-қанча чўлу биёбонларни яшнаган боғу роғларга айлан-тирмайди дейсиз. Яхши инсон дарё каби бўларкан. Сиз ҳақингизда уйлаганимизда, дарёдай бағрикенглигиниз, шогирдларингизга нисбатан талабчан, меҳрибонлигиниз намойён бўлаверди.

Бугун сизни шогирдларингиз, оила аъзоларингиз, яқин дўстларингиз қутлуг 80 ёшингиз билан қутлаб турибди. 80 ёш айтишлагина осон. Шоир айтганидай, бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Шу йиллар давоминда не-не ташвишли ва унвончи кунларни бошингиздан ўтказмадингиз. Тенгқурларингиз қатори урушинг суроли йилларига гувоҳ бўлдингиз.

Сиз оддий терговчиликдан республика прокурорининг катта ёрдамчиси даражасигача бўлган ҳаёт йўли-

ни босиб ўтдингиз. Ҳалоллик, касбга бўлган меҳр асосий дастуриламалингиз бўлди. Бу сифатларингиз бугунги кунда прокуратура оstonасига эндигина қадам босаётган ёшлар учун ўрнак бўлса арзийди.

Ҳаётингизни беҳизга дарёга ўхшатмадик. Чунки маслаҳатларингизга амал қилган шогирдларингиз кам бўлгани йўқ. Улар ҳам сиз қатори эл назарига тушди. Ўзбекистоннинг қайси жойига бормайлик, «Жалфос оға Калиловнинг шогирдидан» дейдиган терговчи ва прокурорларни учратамиз. Инсон учун бундан ортқ бахт борми?

Ватанга қилинган хизмат ҳамisha қадр толган. Сизнинг ҳалол меҳнатингиз ҳукумат томонидан муносиб баҳоланди. «Қорақалпоғистон республикасида хизмат кўрсатган юрист» деган фахрли унвон соҳиби бўлдингиз.

Жалфос оға, 80 ёшингиз қутлуг бўлсин. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз бахтига бардам бўлинг.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ, «Нуқуқ» мухбири



НАЙИВА

Бирорта бегона даврага тушиб қолсам, ўзимни ноқулай сезаман. Улар бир-бири билан гурунглашиб, қулишиб ўтиришади. Шундай ўтиришларнинг бирини, тўрироғи, тўй бағзимда бегона даврага қўшилиб қолдим. Бу даврага мени тўйнинг эгаси — бир пайтлар малака ошириш курсида ўқиганимда бир ой битта ётқоҳонада бирга туриб, кейинчалик кадрдон бўлиб қолган акаимиз Бердисафо ака «бу йигитни зериктирманлар» деб қўшиб кетди.

Ноилж даврадодларнинг гапларини «ҳа, ҳм» деб маъқуллаб ўтиргандим, биттаси: — Ака, отингиз нима? — деб сўраб қолди. Отимни айтсам, у: — Э, Мирзажоннинг акасимисиз? — деди. — У билан биз армияда бирга ҳўп давру даврон сурган-

дедим. — Мирзажоннинг хотини — келин-из Кулсоатга хеш бўлади, — деб чап томонимдаги сочи сариқ, сепкилли йигитни кўрсатиб. — Мирзажоннинг хотинини исми нимаиди?... Ҳа, Гулжамолиннинг катта тоғаси Эшмамаат қас-собнинг хотини Кулсоатни опаси бўлади. Жуда яқин, — ҳали исминини билмайдиган танишим пиёла-ларга ароқ қуйиб чиқди. — Ҳозир Кулсоат бир нима дейди кейин олаимиз. Қани, сўз

— Биз нима дердик, бахтимизга бачалар катта бўлаверсин. Шунинг учун олаимиз-да, — деди исми айтил-май қолган «техник канал» менга ўшба камгап эканим, гапни қисқа қилди.

Оқланган пиёлани қўйишимиз билан кабоб ҳам келди. Соқий дарров лагандаги кабобдан «совиб қолмасин қани» деб ўзи бир сик-бир сик ҳаммамининг қўлимизга туқазди. Бир қўлда кабоб, бир қўли билан пиёлаларга ароқ қуйиб чиқаркан:

— Буям кабобнинг тағи-да қолиб кетсин десам, қулоқ хафа бўлади, — деди ва пиёлаларга олишга ундади. — Бу жониворни гапириб-гапириб ич-санг, мазази бир бош-қача-да. Ҳозир гапни Қўзихонга беришдан ол-

БЕГОНА ТАНИШЛАР

миз, золотой бола! Ўзимиздан экан-сиз-ку, сизам. Ман, жувозакшлик Қаршибой жаллобни танийсизми, ўша кишининг ўғли бўламан. Мана буни ушланг қани!

Мен у узатган пиёлаларга ароқни олиб, ёнимга қўйдим. У бўлса хо-вликб кетди.

— Э, ундай қилманг-да энди, олинг уни! — Мен пиёлани қайта қўлимга олдим. У гапни давом эттирди.

— Бердисафо ака бизнинг ҳам акаимиз. Биза у киши билан бир жойда ишлаймиз. Булар ҳам, — ёни-дагиларни кўрсатди у. — Кеча шу-нақа деб қолувдилар, бир мошини бўлиб келиб ўтирибмиз мана. На-сиба қўшилса, ҳеч гап эмас экан. Мана, Бердисафо ака кадрчаларини кестироптилар. Шу кадрча катта бўсин, насиб бўса, чимилдик туйла-рида ҳам мана шундай мазза қилиб ўпрайлик. Шунинг учун олаимиз энди.

Олди. Олганимиздан сўнг, у яна гап бошлади.

— Мирзажон қаерда ишляпти ҳозир? — деди у.

— Қайси Мирзажон? — дедим гапни ағнамай.

— Уқайизда! — деди у биринчи саволга жавоб олмай, иккинчи сав-волни бераркан. — Болалари нечта бўлди?

— Мирзажонми? Қурилишда про-раб, учта ўғли, икки қизи бор, —

сизга Кулсоат... Кулсоатнинг гапи қисқа бўлди. Олишимиз ҳам тезлашди. У — соқий ўртадаги тарвуз косасидан бир тиш-лам узиб, озсига солди-да, гапни давом эттирди.

— Сиз Мирсалимни танийсизми? — у менга гап маъқуллаб, бошқа-ларга сўз берарди. — РайПонинг раиси Урол Сафоевни олиб юриди-ку, аравакаш...

— Жияним бўлади, — дедим «ара-вакаш» деганига бироз ижирганиб. Яна бирор ноҳўя гап қилмасин деб, шошиб гапирдим. — Нима эди?

— У, — деди у бир ютиниб. — Ана ўша тоғани катта қизининг эрининг холасини ўғли, бу — Қўзи-жон бўлади. Шу гапирсин... Фақат қисқа қил, кабоб совуб қолмасин.

Қўзихон қисқа қилди. Қисқаси, айтилган гапларга қўшилди.

дин, уни акамга таништирай, — деб мени кўрсатди. — Қурбон ака, сиз-ларникишлогинлардаги Найимжон бор-ку...

— Бизга хеш бўладилар, — деди мени у киши шаънига ёмон сифат қўшиб қўямасин деган ни-ятда.

— Уэр, — деди у бир ютиниб. — Ана ўша тоғани катта қизининг эрининг холасини ўғли, бу — Қўзи-жон бўлади. Шу гапирсин... Фақат қисқа қил, кабоб совуб қолмасин.

Қўзихон қисқа қилди. Қисқаси, айтилган гапларга қўшилди.

6 ALATI DUNYO

Ҳуқуқ оламидан Ҳангомалар



Босқинчилик жинояти содир этаётганда уяли телефонини калта-фаҳмлик билан воқеа жойида қолди-риб кетган жиноятчиларнинг қилмиши Буюк Британияда содир этилган энг аҳмоқона жиноятлар рўйхатига қўйи-ладиган бўлди. Гап шундаки, 30 ёшли Давид Келли ўзининг шериги билан тил бириктириб, кўчмас мулк савдоси билан шуғулланадиган идорага бос-тириб киради. Идорадаги ходимлар Давиднинг шериги қўлидаги болалар тўппончасини ҳаққий қурол деб ўйлаб, бор пулни, яъни 6000 фунт стерлингни Давидга тутқазди. Бунча пулни қўриб қолиб қолган Давид чўнтақларини бўшатиб, пулга жой қилиш мақсадида улардаги барча нарсани, шу жумладан уяли телефонни ҳам ходимлар олдидаги столга қўйиб, пулни жойлади-ю, шериги билан маши-нага ўтириб, жўнаб қолди. Орадан ярим соат ўтмай полиция уларни қўлга олди. Чунки Давиднинг уяли телефонини унинг турар жойи ҳақидаги маълумотлар, бирон қор-хол рўй берганда қимга хабар берилиши лозим-лиги ҳамда ўзининг сурати бор эди.

Бразилиянинг айрим турмаларида ма-бусларни қўриқлашнинг антика усули ишлатилмоқда. Сан-Паулу штатидаги Париаба дарёси соҳилида жойлашган тўртта жазони ижро этиш маъсасасида хозирги кунда мабусларнинг гозлар қўриқ-лайди. Гозлар қўриқчиликка қўйилган-дан бери бирон марта мабусларнинг қочиб ҳолати юз бермаган. Қўриқлаш тамойили жуда оддий. Турма девори-нинг ташқи томонида сунъий қўлмақлар вуқудга келтирилиб, гала-гала гозлар қўйиб юборилган. Улар қўлмақлар-дан чавақ балиқ овлаб, айланиб юришади ҳамда яқин атрофдан ўтиб қолган кишиларга «бизнинг худудга кирма», деганча го-ғолаб ташланиша-ди. Шундоққина қўлмақларга туташиб кетган турма деворлардан ошиб ўтиб, сув кечиб кетишга эса жони ёки боси иккита бўлган мабусларнинг қайдан ҳам ҳадди сизиши мумкин?

Муштарийлар диққатига!!! Азиз газетхон!

- Ўзингиз ёки яқинларингизнинг соғлиги билан боғлиқ бирон жиддий муаммага дуч келганимиз?
- Қопуний ҳақ-хуқуқингиз поймол қилиниб, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан зиддиятли ҳолатларга тушиб қолганимиз?
- Балки Сизни соғлиқни сақлаш тизимида бўлаётган туб ўзгариш ва ислохотлар қизиқтирар?

Агар Сизни қизиқтирган, муаммо бўлиб келаётган шу каби саволларингиз бўлса, 12 мартга «Нуқуқ» газетасининг электрон почтаси huquq@mail.ru га юборишингиз ёки 133-83-49 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Саволларингизга Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари жавоб беради. Жавоблар газетамизнинг 30 мартдаги сонимида чоп этилади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қарашли
Тошкент шаҳар онкология диспансери қўрсатилмаётган малакали тиббий хизмат сифатини янада ошириш мақсадида замонавий тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш бўйича танлов эълон қилади!
Унда сифатли, замонавий тиббий асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш ёки шундай маҳсулотни етказиб бериш ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.
Танловда қатнашиш истагини билдирганлар маълумот олиш учун эълон чоп этилгандан бошлаб 15 кун давомида қўлидаги манзил бўйича (шанба ва яқшанбадан ташқари) мурожаат қилишлари мумкин.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Х.Турсунқулов кўчаси, Богистон тор кўчаси 1-уй
Маълумот учун телефонлар: 173-04-39; 78-34-81
Тошкент шаҳар онкология диспансери

Утганларнинг охирати обод бўлсин!
Бухоро вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси **Бахтиёр ТАНИРБЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинла-рига чўқур таъзия изохот этади.

HUQUQ
yuridik gazeta
To' sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Abduxolik
Bahriy Nurmatov, Abdurahim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul ko'rib chiqishni bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muhtar SHODMONOV
133-64-72.
E-mail: info@huquq.uz.
Fax: 133-64-85, 133-10-53.

kelgan qo'lyozma va shu qo'lyozma bilan qaytarilmaydi. Barcha tahririyat fikridan muhim. Nashrimizdan foydalanish uchun qo'lyozma olinganligi ko'rsatishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik matnlar belgisi ostida chop etiladi.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Buyurtma G — 260. 21760 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Noyabotchi muharrir: Sh. YODGOROV
Musahih: A. MUSTAFOYEVA
Gazeta «Sharq» NIMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonamanzil: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 12 345 78

Gazeta haftaniga chorshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda